

ISSN 2181-9521

№ 2-son, 2021



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



“ИНСОННИНГ АСОСИЙ ХУҚУҚ ВА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

2021 йил 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида иштирок этди ва нутқ сўзлади.



“Демократик ислоҳотларимиз янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган бўлиб, бу ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди.”

“2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари мамлакатимизда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашни кўзда тутадиган “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили асосида амалга оширилади.”

“Биз гендер сиёсати масалалари борасида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирамиз.”

“Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилади.”

“Аҳолимизнинг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келмоқда.

Жорий йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”, деб эълон қилинди.”

ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ДА ЭНГ МУҲИМ ҲУРИНДА ТУРАДИ

“Биз Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича катта ишларни амалга оширдик.

Бу ислохотларимиздаги энг асосий ютуқларимиздан бири бўлди. 2021 йилда, яъни Болалар меҳнатига барҳам бериш халқаро йилида Болалар Омбудсмани тўғрисидаги қонунни қабул қиламиз.”

“Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” декларациясининг 10 йиллигига бағишлаб биз Олий комиссар бошқармаси билан биргаликда глобал форум ўтказишни таклиф этамиз.”

“Бош котиб Антониу Гутерриш Жаноби Олийларининг фуқаролиги бўлмаган шахслар сонини камайтириш бўйича қатъий чоралар кўриш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 50 минг нафар ватандошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди, бу йил яна 20 мингдан зиёд киши фуқароликка эга бўлади.

“Бундан буён ҳам фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш, Ўзбекистонда сўз эркинлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни қатъий мақсад қилганмиз.”

“Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этамиз.”

“Қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмни жорий этиш доирасида биз одамнинг қадр-қимматини ерга урадиган, инсонийликка зид бўлган қийноқларнинг ҳар қандай кўринишига бундан буён ҳам мутлақо йўл қўймаймиз.”

“Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқ қолади.”

“Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаш аъзоси сифатида халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқларига оид умум эътироф этилган принцип ва нормаларини қатъий ҳимоя қилади ва фаол илгари суради.”

Саҳифаларни Мунир РАВШАНОВ тайёрлади.



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

Ҳамкорлар

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши,

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси

ТАҲРИР КЕНГАШИ

Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод АРИПОВ
Комил СИНДАРОВ
Илҳом НАСРИЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Беҳзод МЎМИНОВ
Шерзод ЮЛДАШЕВ

Бош муҳаррир

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шахбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий агтестация комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январдаги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар бўйича диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй
Электрон манзил:
odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда 0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан фойдаланилганда, манба қайд этилиши керак.

Босишга 26.02.2021 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 1/8, 8 босма табоқ
Буюртма № 12 Адади 1800
Баҳоси келишилган нархда

“Aldin-group” МЧЖ босмахонасида
чоп этилди.

Босмахона манзили: 100027, Тошкент
шаҳри, Шайхонтохур тумани,
Олмазор кўчаси, 1-уй

МУНДАРИЖА

КУН МАВЗУСИ

6

**ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ
МУҲИМ ЭЪТИРОФИ**

7

ДАВР КЎЗГУСИ

**ЮКСАК МИНБАРДАН ИЛГАРИ
СУРИЛГАН ЮКСАК ҒОЯЛАР**

МУНОСАБАТ

8

**“ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО
МАЖБУРИЯТЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛАДИ”**

9

МУНОСАБАТ

**ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УНИВЕРСАЛ
ҚАДРИЯТ**

ЖАРАЁН

10

**“СУД ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ
ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ
КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ”**

16

ТАҲЛИЛ

**СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ:
ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛ**

ТАДҚИҚОТ

20

**МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ
ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ:
КЕЧА ВА БУГУН**

23

ТАРИХ, ТАРАҚҚИЁТ

**ҲАЁТГА ҚАРШИ
ЖИНОЯТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЧЕГАРА**

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

26

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА
ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШДА ГУВОҲ
КЎРСАТМАЛАРИГА АСОСЛА-
НИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

28

МУҲИМ МАВЗУ

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИ-
ЛИГИДА СУД ТЕРГОВИ ЎТКАЗИЛИ-
ШИНИНГ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ

ИБРАТ

31

ҲАҚИҚАТ БАРИБИР
ҲАҚИҚАТЛИГИЧА ҚОЛАДИ

32

МУТАХАССИС МУЛОҲАЗАСИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ
ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

34

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИ-
ЛИГИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИ
ТАТБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

36

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

ЕР НИЗОЛАРИНИ СУДЛАРДА
ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ

ИНСОН ВА ҚОНУН

38

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА
БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ

41

ЭКСПЕРТ ФИКРИ

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДА ГУМОН
ҚИЛИНАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯ
ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

44

СУДЬЯ МИНБАРИ

СУДГА ҲУРМАТСИЗЛИК ҚИЛГАН
ШАХСЛАР
ҚАНДАЙ ЖАЗОЛАНИШАДИ?

ТИНГЛОВЧИ МИНБАРИ

46

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА
КЎРИБ ЧИҚИШДА КАССАЦИЯ
ИНСТАНЦИЯСИНИНГ ЎРНИ

47

СУДЕБНО-ПРАВОВАЯ РЕФОРМА

НОВЫЙ МЕХАНИЗМ ДЛЯ НОВЫХ
КАТЕГОРИЙ ДЕЛ

ВАЖНАЯ ТЕМА

48

ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОЕ
ПАРТНЕРСТВО В РЕСПУБЛИКЕ
КОРЕЯ: ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЕ
РЕГУЛИРОВАНИЕ И
ГОСУДАРСТВЕННАЯ ПОДДЕРЖКА

52

ПРОЦЕСС

СОВРЕМЕННА ДИНАМИКА
РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА
“СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ”
В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ANALYSIS

57

PROS AND CONS OF SHADOW
ECONOMY.
WHAT DO WE (NOT) KNOW?

60

INTERNATIONAL EXPERIENCE

ALTERNATIVE
DISPUTE RESOLUTION

ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЭЪТИРОФИ

Танзила НОРБОЕВА,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раиси



Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, сўз эркинлигини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, жинойат содир этган шахсларни афв этиш бўйича охириги йилларда 13 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойидан озод қилинди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётга киритилди. Жаслиқ қўрғонидаги жазони ижро этиш колониясининг ёпилгани давлатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг янада ёрқин ифодаси бўлди.

Сўнгги уч йилда 19 мингдан ортиқ, шунингдек, бир вақтнинг ўзиде 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган 50 мингга яқин юртдошларимизга фуқаролик берилгани халқимиз томонидан ҳам, халқаро миқёсда ҳам катта олқишга сазовор бўлмоқда. Бундай хайрли ишлар бугунги кунда ҳам изчил давом этаётгани халқимизнинг жамиятимиздаги ислоҳотларга дахлдорлигини кучайтирмоқда. Юртимизда яратувчилик, бунёдкорлик, ташаббускорлик, тинчлик-тотувлик муҳити мустаҳкамланмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли халқаро минбари – БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши йўналишида давлатимиз раҳбарининг нутқ сўзлаши мамлакатимизда эришилаётган ана шундай муҳим ютуқлар халқаро ҳамжамиятнинг доимий эътиборида эканининг ва қизгин кўллаб-қувватланишининг эътирофи, десак муболаға бўлмайди. Қолаверса, бу Президентимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги юксак сиёсий иродасидан ҳам далолатдир.

Яна бир жиҳат – 160 дан ортиқ мамлакатнинг президентлари, ҳукумат раҳбарлари, йирик халқаро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган ушбу халқаро тадбирда айнан Ўзбекистон Президентининг биринчи бўлиб сўзга чиқиши – бу халқаро ҳамжамиятнинг давлатимиз етакчисига, халқимизга, жонажон Ўзбекистонимизга бўлган юксак ҳурмат ва эътиборнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Президентимиз бу гал ҳам ўз нутқини ўзбек тилида баён этди. Бу – она тилимизнинг халқаро

юксак минбарлардан иккинчи бор жаранг сочиши бўлди. Буни кўриб қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуси яна бир бора жўш урди, кўнглимиз осмон қадар юксалди.

Мазкур анжуманда давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқлари соҳасида энг долзарб бўлган муҳим масалаларга тўхталиб ўтди ва қатор ташаббусларни илгари сурди. Биринчи масала – Ўзбекистон Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг қатъий тарафдоридир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар, халқаро майдонларда илгари сурилаётган таклиф ва ташаббуслар Барқарор ривожланиш мақсадларининг “ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” тамойили билан ҳамоҳангдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 июндаги фармони билан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши бу йўналишда катта қадам бўлгани ҳамда бугунги кунда Миллий кенгаш ва Агентлик томонидан бир қатор ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Миллий кенгаш иш режасига мувофиқ, коррупцияга қарши курашиш бўйича турли йўналишларда аниқ чора-тадбирлар белгиланди, бир қатор мутасадди идоралар раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Сингапур, Жанубий Корея ва Словения давлатларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритаётган уч нафар етакчи экспертларини Коррупцияга қарши курашиш агентлигига маслаҳатчи сифатида жалб этиш бўйича келишувга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур анжумандаги нутқида айтилган ҳар бир фикр-мулоҳаза, таклиф ва ташаббуслар нафақат юртдошларимизни, балки, халқаро ҳамжамиятни ҳам тўлқинлантириб юборгани табиий. Зеро, унда нафақат халқимизнинг, балки, бутун инсониятнинг фаровон келажигига хизмат қиладиган муҳим мақсад ва вазифалар ўз ифодасини топди.

Шу боис маърузада илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар, мақсад-вазифаларни рўёбга чиқариш биз – парламент аъзолари, Ҳукумат вакиллари, маҳаллий ҳокимликлар зиммасига улкан масъулият юклайди. Эндиликда барчамиз баҳамжиҳат бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб, аниқ режа ва йўналишларни белгилаб олиб иш юритсак, бу борада кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз.



ЮКСАК МИНЪАРДАН ИЛГАРИ СУРИЛГАН ЮКСАК ҒОЯЛАР

Холмўмин ЁДГОРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси



2021 йил 22 февраль куни янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир тарихий воқелик рўй берди. Шу куни Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессияси юқори даражадаги сегменти ишида иштирок этди ва ўзбек тилида нутқ сўзлади.

Авалло алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакат тарихида илк бор БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг аъзоси мақомига эга бўлди. Қарийб 150 мамлакатдан давлат ва ҳукумат раҳбарлари, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг нуфузли экспертлари, кўплаб халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашган сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ушбу Кенгашга аъзо Давлат раҳбари сифатида биринчи марта иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти чиқишининг бутун моҳиятини ташкил этган “инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда туради” ғояси халқаро ҳамжамиятнинг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам “Ҳеч кимни эътибордан четда қолдирмаслик” сингари инсонпарвар тамойиллар билан суғорилган маърузанинг ўзига хос жиҳатлари қуйидагиларда намойён бўлади.

Биринчидан, янги Ўзбекистонни бунёд этишга қаратилган демократик ислохотлар фақат инсонни эъзозлаш, фаровонлигини ошириб бориш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш вазифасига қаратилгани ва у қатъий давом эттирилишига урғу берилди.

Иккинчидан, БМТ тизимидаги энг нуфузли органлардан бири – Инсон ҳуқуқлари бўйича кенга-

шининг асосий мақсадларига ҳамоҳанг бўлган 7 та принципал ташаббус ва таклиф илгари сурилди.

Жумладан, гендер сиёсати масалалари бора-сида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ва ишбилармонлик соҳасида аёлларнинг ролини тубдан оширишга қаратилган ишларни қатъий давом эттирилиши баён этилди. Бунда 2021 йилда Ўзбекистонда Марказий Осиё мамлакатлари етакчи аёлларининг мулоқоти ва хотин-қизларнинг минтақавий бизнес-форумини ўтказиш режалаштирилаётгани айтиб ўтилди. Шу ўринда сўнгги 4 йилда мамлакатимизда гендер тенглиги бўйича бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини ва унинг ижроси таъминланаётганлигини таъкидлаш жоиз. Бунинг натижасида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида хотин-қизлар муносиб ўринга эга бўлиб бормоқда. Масалан, уларнинг орасида кўплаб парламент ва ҳукумат аъзолари бор. Бундан ташқари, давлат бошқаруви органларининг раҳбарлари фаолият юритмоқда. Бежизга аёллар бир қўли билан дунёни тебратса, яна бир қўли билан бешикни тебратди, дейишмайди. Бугунги кунда одил судловни амалга оширишда ҳам аёл судьяларнинг муносиб хиссаси мавжуд. Ҳозирда республикаимизда 160 нафардан ортиқ аёл судьялармиз ўта масъулиятли ва шарафли касбда самарали фаолият юритмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган яна бир муҳим масала, Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларини ишлаб чиқиш ҳақидаги таклиф ҳам бевосита инсон ҳуқуқларини таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, жамиятда адолат ўрнатишда одил судлов фаолиятини амалга оширувчи судьяларни касбга тайёрлаш, халол ва пок номзодларни танлаш ва тайинлаш масаласи ўта муҳимдир.

Судьялар кенгашлари фаолиятининг универсал принципларига оид халқаро ҳужжат мавжуд эмас, шунинг учун ҳам турли давлатлар тизимида ушбу фаолият турлича амалга оширилиб келинаради. Ва бу ғоя илк маротаба Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилганлиги ўта фарахли ва албатта бундай ҳужжатнинг қабул қилиниши бу борада ҳам умуминсоний ҳуқуқий асос яратилишига замин бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Давлатимиз раҳбарининг ушбу нутқи инсон ҳуқуқлари соҳасида муайян бир мақсадга йўналтирилган, стратегик аҳамиятга эга бўлган ғоя ва ташаббусларни ўз ичига олади.





“ЎЗБЕКИСТОН ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО МАЖБУРИЯТЛАРИГА СОДИҚ ҚОЛАДИ”

Аъзамжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилоят судининг раиси

Мана шундай юксак минбардан нутқ сўзлаган Давлатимиз раҳбари бутун дунё жамоатчилигига яна бир бор, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Ўзбекистондаги ислохотларда энг муҳим ўринда тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Энг муҳими, бугунги кунда ушбу ислохотларнинг натижаси ижтимоий ҳаётда яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, биргина 2020 йилнинг ўзида судлар томонидан 719 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган бўлса, судланган шахсларнинг 74 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган. 5 958 та шахсга нисбатан асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқарилганлиги ёки ўзгартирилганлиги, охириги икки йилда ҳокимларнинг 2,5 мингга яқин қарори судлар томонидан бекор қилингани юқоридаги фикримизнинг ҳаётий исботидир.

Одил судловни таъминлаш борасидаги тизимли ислохотлар натижасида судлар томонидан илк маротаба 2 минг 600 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукми чиқарилиб, 2 минг 400 нафар шахс суд залидан озод қилинди. Шунингдек, жиноят йўлига билиб-билмай кирган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланмасдан, улар маҳалла ва жамоатчилик кафиллигига олинди.

Мана шундай амалий ишларнинг эвазига Ўзбекистон инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги

ҳалқаро рейтинг ва кўрсаткичларда сезиларли даражада яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Жумладан, 2020 йил ҳолатига Ўзбекистон “Қонун устуворлиги” индексида 128 мамлакат ичида 92-ўринни эгаллаган ҳолда 3 та индикатор бўйича тўплаган баллари сезиларли даражада ошди.

(хусусан: коррупциядан холилик индикатори бўйича 0,38 баллдан 0,40 баллга; ҳокимият институтларининг шаффофлиги индикатори бўйича 0,31 баллдан 0,33 баллга; фундаментал ҳуқуқларнинг таъминланганлиги индикатори бўйича 0,39 баллдан 0,41 баллга ошган).

2020 йил бўйича республикамиз Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” (Doing Business) рейтингига дунёнинг 190 та давлатлари орасида 7 поғона кўтарилиб 69-ўринни ва бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича 8-ўринни эгаллади ҳамда энг яхши ислохотчи давлатлар қаторидан ўрин олди.

Президентимиз мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолишига урғу қаратиб, нафақат Ўзбекистон ёшлари манфаати учун, балки дунёдаги барча ёшлар ҳуқуқлари ҳимоясига амалий ҳисса қўшишга қаратилган қуйидаги 3 та муҳим ташаббусни илгари сурди:

- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқлари бўйича бутунжаҳон конференциясини ўтказиш;

- БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш;

- Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш.

Ушбу гоёлар замирида бутун дунё жамоатчилиги диққатини ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлашга қаратиш масаласи ётади. Давлатимиз раҳбарининг мана шундай инсонпарварлик тамойиллари билан суғорилган ташаббуслари дунё ҳамжамиятида жуда катта қизиқиш ва хайрихоҳлик уйғотди.

Президентимиз ушбу нутқида Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш орқали уларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш, фаровонлигини ошириб боришни “қатъий мақсад қилган” лигини эътироф этди.



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УНИВЕРСАЛ ҚАДРИЯТ

Толиб БОЙЗАКОВ,

*Самарканд вилоят суди раисининг ўринбосари –
жиноят ишлари бўйича судлов хайъати раиси*



Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 75 йиллик тарихи инсон ҳуқуқлари универсал қадрият эканини яққол исботлади. Бу устувор тамойилсиз ер юзида тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиш бўлмайди”.

Айниқса, баъзи бир давлатлар ўртасидаги муносабат тобора мураккаблашиб бораётган бир пайтдаги геосиёсий вазият, пандемия келтириб чиқарган глобал инқироз, айрим мамлакатлардаги ички инқироз шароитида инсон ҳуқуқларини таъминлаш долзарблигича қолаётгани экспертларни жиддий ташвишга солмоқда.

Мана шундай шароитда Президентимизнинг алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилиши ҳақидаги фикрлари дунё ҳам-жамиятининг эътирофига савозор бўлди.

Мамлакатимизда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахслар ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, 2020 йил 15 октябрда “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”-ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда қуйидаги муҳим тушунчалар ўзининг аксини топган. Ногиронлик белгисига кўра камситиш – мақсади ёки натижаси сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаровий соҳада ёки бошқа соҳада ўзгалар билан ногиронлиги бўлган шахсларнинг тенг ҳуқуқ ва эркинликларини эътироф этишни ёки рўёбга чиқаришни инкор қилишдан иборат бўлган, ногиронлик сабабли ҳар қандай ажратиб қўйиш, истисно этиш, четлатиш, чеклаш;

ногиронлиги бўлган болалар (бола) – барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари туфайли ҳаётий фаолияти чекланганлиги муносабати билан давлат ва жамият томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилишига ҳамда ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишига муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

ногиронлиги бўлган шахс – ижтимоий ёрдам ва ҳимояга, жамият ва давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бошқалар билан бирга тенг тўлиқ ва самарали иштирок этиш учун шарт-шароитлар ярати-

лишига муҳтож барқарор жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган шахс;

ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш – ҳаёт фаолиятига доир чекловларни енгиб ўтиш, уларнинг ўрнини қоплаш (компенсация қилиш) учун ногиронлиги бўлган шахсларга шарт-шароитларни таъминлайдиган ҳамда уларга жамият ва давлат ҳаётида иштирок этишнинг бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларини яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими каби тушунчалар шулар жумласидандир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, шу жумладан, 100 мингдан ортиқ 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилиши эътиборга олинса, ушбу қонун ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини белгилайдиган асосий қонун ҳужжати ҳисобланади.

Ногиронлиги бўлган болаларни парвариш-лаётган оилаларни давлатимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация воситалари билан таъминлаш бўйича янги тизим жорий этилади. Бу имкониятдан қарийб 50 минг киши фойдаланиши мумкин. Давлатимиз раҳбарининг имконияти чекланган шахсларнинг ўз қобилятини тўла рўёбга чиқариш масалалари бўйича Минтақавий кенгаш тузиш таклифи ҳам шу каби эзгу мақсадларга қаратилган.



“Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.”

Шавкат МИРЗИЁЕВ

“СУД ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ”

Судьялар олий кенгаши, унинг ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда 2021 йилнинг 25 январидан 5 февралигача ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган, жумладан суд процессларини ёритишга қизиқадиган оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ва блогерлар учун ўқув-машгулотлари ташкил этилди.



Бундан кўзланган асосий мақсад, фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юриштишнинг очиқлигини таъминлаш ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерларнинг суд органлари фаолиятига оид ахборотларни олиш ва тарқатиш билан боғлиқ муносабатларини самарали йўлга қўйишдир.

Семинарда тажрибали ҳуқуқшунослар, таниқли журналистлар суд ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, суд мажлисларини ёритишдаги процессуал тартиб-таомиллар, шу жумладан журналистларнинг суд биносига кириши, суд муҳокамаси залида ҳозир бўлиши ва суд мажлисини қайд қилишига оид қоидалар, очиқ ва ёпиқ суд мажлисларида иштирок этиш талаблари, унда фото-, видео- ва киносъемка қилиш, интернетда ёритишдаги чеклашлар доираси, суд жараёнларини ёритишда журналистларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, судлар фаолиятига оид маълумотлар ва уларни олиш тартиби тўғрисида батафсил маърузалар қилишди.




**Хуршид
ДЎСТМУХАММЕДОВ,**
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати, ёзувчи:

– Давлатимиз раҳбари томонидан давлат ва жамият ҳаётида очиклик, ошкоралик ва шаффофликни таъминлаш энг устувор вазифалардан бири сифатида қўйилди. Президентимиз 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга ва парламент орқали халқимизга йўллаган Мурожаатномасида бу масала бўйича яна бир бор алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтди. “Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт.”

Дарҳақиқат, бугунги кун барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўзларининг фаолиятида очикликни, шаффофликни таъминлаш заруриятини қўймоқда. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги семинар мавзуси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Алоҳида таъкидлашни истардимки, журналистлар, блогерлар суд процессларини ёритишда бу борадаги амалдаги қонун талабларига қатъий бўйсунуши лозим. Сабаби, бунда инсон шаъни, қадр-қиммати, обрў-эътибори ҳамда айбсизлик презумпцияси сингари муҳим масалалар бор.

Ҳаммамиз гувоҳи бўлиб турганимиздек, бугунги ахборотлашган жамиятда ахборотни олиш ва уни тарқатиш билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳам вужудга келаяпти. Шунинг учун керакки, сиз тарқатаётган ахборот кимнингдир ҳаётини, кимнингдир тақдирини бутунлай ўзгартириб юбориши мумкин. Айтмоқчи бўлган гапим, тарқатаётган ахборотларимизнинг холислиги, тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун масъулиятни ўз зиммамизга олишимиз шарт.



Асаджон ХАДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот
ва оммавий коммуникациялар
агентлиги
директори:



– Семинарда маърузачилар томонидан таъкидланганидек, бугун жамиятимизда ошкоралик ва очиклик, сўз эркинлиги муҳитида яшаяпмиз. Агар оммавий ахборот воситаларини кузатадиган бўлсак, айна пайтда журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари сони ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Бу бугуннинг талаби...

Ўқув-машғулот мавзуси бўлган “Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот” жуда муҳим деб биламан. Очигини айтиш керакки, амалиётда суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик борасида айрим муаммолар ҳам борлигидан кўз юммаслигимиз керак. Ўтказилаётган семинарнинг амалий аҳамияти шундаки, журналистлар, блогерлар ва суд ҳокимиятининг вакиллари ўзаро фикр-мулоҳазалар алмашиб, амалиётдаги мана шу муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсияларни билдирмоқда. Демак, муҳокама нархатида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар суд процессларини ёритишда эътиборга олиниши лозим бўлган тавсиялар ишлаб чиқилад.

Семинарнинг диққатга сазовор жиҳатларидан яна бири шундаки, тажрибали ҳуқуқшунос олимлар томонидан суд тизими ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ўзаро алоқалар бўйича халқаро ва миллий қонун ҳужжатларида ўрнатилган нормалар амалиётдан келиб чиққан ҳолда таҳлил этилиб, иштирокчиларга батафсил тушунтирилмоқда.



Турсунали АКБАРОВ,
Судьялар олий кенгаши
матбуот котиби:

– Икки ҳафта давом этган ўқув-машғулотларида 45 нафар журналист ва блогерлар иштирок этди. Семинар фақат маърузалардангина иборат бўлмасдан, унда бевосита иштирокчилар томонидан оммавий ахборот воситаларида суд процессларини ёритишнинг ўзига хос жиҳатлари, бу жараёнда журналист ва блогерларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари атрофлича муҳокама қилинди. Судьялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари амалиётдаги муаммолар ҳақида очиқ-ошкора тарзда фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, муаммоларнинг ечими борасида ҳам ўзларининг амалий таклифларини ўртага ташлашди. Журналист ва блогерларнинг суд процессларини ёритишдаги касбий малакасини оширишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган семинар якунида Тошкент шаҳар иқтисодий судида бўлиб ўтаётган суд процессларига медиа-тур ташкил этилди. Семинар иштирокчилари бир нечта гуруҳга бўлиниб, бевосита суд процессида иштирок этишди.

Ўқув-машғулотлардаги маърузалар умумлаштирилиб, журналист ва блогерлар учун махсус тайёрланган амалий қўлланма ҳам тарқатилди. Қўлланмада суд процессларини ёритишни тартибга солувчи миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам ўрин олган.

Семинарда иштирок этган барча журналист ва блогерларга махсус Сертификат берилди.



Отабек ХАМИДОВ,
“Халқ дарди” гуруҳи
асосчиси, блогер:



— Агар сиз суд жараёнларини ёритсангиз ва бу тўғрисида ҳуқуқий мавзу материалларини тайёрласангиз, эртами кечми сиз профессионал ва ахлоқий муаммога дуч келишингиз мумкин. Жумладан, сиз болалар ҳақида, яна ҳам аниқроғи, уларнинг суратларини жабрланувчи ёки жиноят қурбони сифатида маълумот тарқатаётганингизда эҳтиёткор бўлишингиз лозим. Боланинг фотосуратини нашр этиш ёки этмаслик, унинг ҳақиқий исми ва фамилиясини кўрсатиш ёки яшириш, жиноят содир этилган жойларни кўрсатиш ёки кўрсатмаслик масаласи алоҳида тартибда ҳал қилинади.

Ҳозирда ОАВ ва блогерлар учун ушбу масалалар фақат таҳририят томонидан қабул қилинган ахлоқий меъёрлар ва қоидалар билан тартибга солиноқда. Шу сабабли, битта таҳририят болаларнинг асл исмлари ва фамилияларини, уларнинг расмларини яширмасдан, бошқалари иллюстрацион фотосуратлар ва хаёлий маълумотларни, учинчиси болаларнинг ҳақиқий тасвирларини нашр этаётганини, аммо уларни таниб бўлмайдиган қилиб қўйганини кўришимиз мумкин.

Шу билан биргаликда, жиноят қурбонлари бўлган вояга етмаганлар билан боғлиқ маълумотлар билан ишлаш, улардан фойдаланиш ва ОАВда тарқатишга оид қатор халқаро талаблар мавжуд бўлиб, журналистлар ва блогерлар уларга қатъий риоя этиши шарт. Уйлайманки, тадбирда қатнашган журналист ва блогерлар бундан кейин бу мавзуга янада жиддий эътибор беришади.



2021 йил 22 февраль куни Судьялар олий мактабида мана шу семинарнинг ман-тикий давоми сифатида судьялар ва судлар матбуот котиблари учун “Суд ва ом-мавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот” мавзусида нав-батдаги бир ҳафталик ўқув-семинар ўтказилди.

Ўқув-семинар машғулотлари давомида суд ҳокимияти фаолиятининг очиқлиги-ни ва шаффофлигини таъминлаш жараёнида судьялар ва судлар матбуот котиб-лари билан оммавий ахборот воситалари ходимлари, журналистлар ва блогерлар ўртасидаги конструктив мулоқотни самарали йўлга қўйиш борасида кўплаб ама-лий таклиф-мулоҳазалар билдирилди. Қуйида унда иштирок этган судьяларнинг таассуротлари билан танишасиз.



Дурсмурад Тошев,
Тошкент шаҳар
Тошкент туманла-
раро маъмурий суди
судьяси:

– Биз судьялар амалиётда оммавий ахборот воситалари вакиллари журналистлар ёки блогерлар билан ишлашда баъзи бир муаммоларга ҳам дуч келамиз. Айниқса,

суд процессларини ёритиш, суд иши муҳокама-сининг ошкоралигини таъминлаш жараёнида ОАВнинг иштироки масаласи қонунчиликда бел-гиланган бўлишига қарамасдан, айрим ҳолатлар-да тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда. Бунинг сабаби сифатида шуни айтиш керакки, айрим журналистлар ёки блогерлар шу соҳани тартибга соладиган қонун ҳужжатларидан яхши хабардор эмас. Уларнинг фикрича барча суд процесслари-да иштирок этиш эркин ва очиқ. Минг афсуски, суд органлари фаолиятининг ўзига хос мураккаб жиҳатлари бор.

Суд процессларини ёритаётган журналистлар очиқ суд мажлисларида суд иштирокчиларини фототасвирга тушираётганда ёки уларни видео-ёзувга қайд этаётганда қандай қийинчиликлар билан тўқнашишлари ёки дуч келишлари мум-кинлигини биладилар. Ҳатто раислик қилувчи-нинг рухсати бўлган тақдирда ҳам суд процесси иштирокчилари улар ҳақидаги материалларни,

фотосуратларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишига ёки нашр этилишига қарши бўлиш-лари мумкин. Бу табиий жараён. Амалиётда бун-га жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Умумий қоида шундан иборатки, ҳар ким ўзига тегишли расмларга эгалик қилиш ҳуқуқига эга ва учинчи шахсларнинг расмларини тарқа-тишга фақат уларнинг розилиги билан йўл қў-йилади. Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини ёки ишчанлик обрўсини таҳқирлаш, шахсий ҳаётига аралashiш тақиқланади. Жиноят кодексининг 139-моддаси иккинчи қисмига асосан нашр қи-лиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали тухмат қилиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Жиноят кодексининг 140-моддаси ик-кинчи қисмига асосан нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан ом-мавий ахборот воситаларида, телекоммуника-ция тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбу-рий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан икки йил-гача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Судьялар ва судлар матбуот котиблари учун ташкил этилган ушбу семинарга зарурият бор эди. Менда маърузачилар томонидан билдирил-



ган шу соҳадаги халқаро тажриба катта таассурот қолдирди.

**Баҳодир
ХОЛМОНОВ,**

Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро маъмурий судининг судьяси:

– Афсуски, амалиётда журналист ёки блогерларимизнинг суд процессларида иштироки

билан боғлиқ баъзи бир тушунмовчиликлар ҳам вужудга келаяпти. Яқинда Сурхондарё вилояти жиноят ишлари бўйича Термиз туман суди биносида рўй берган воқеалар билан боғлиқ видеотасвирлар ижтимоий тармоқларда кенг тарқалди. Мана шу видеотасвирларни диққат билан кузатсангиз, унда журналистлар томонидан билдириладиган фикр-мулоҳазаларнинг ҳаммаси ҳам тўғри эмаслигини яққол кўрасиз. Мен бу фикрларим билан уларни айбламоқчи эмасман, лекин, суд процессларини ёритиш бўйича амалдаги қонунларга риоя ҳам қилишимиз шарт. Демократик ҳуқуқий давлатда, ҳар қандай очиқлик, ошкоралик фақат қонун ва маълум бир тартиб асосида амалга оширилиши лозим.

Биз биламизки, амалдаги қонунчиликка биноан фуқаролик, жиноят, иқтисодий ва маъмурий суд процессларини ёритиш бўйича алоҳида тартиб ўрнатилган. Бу ҳам бежиз эмас. Сабаби, суд ишларини ёритиш бевоқифлик презумпциясига амал қилиш, инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, ишчанлик обрўси билан чамбарчас боғлиқ. Шунинг учун бир қатор халқаро ҳужжатларда ва Ўзбекистон Республикасининг қонунларида суд процессларини ёритиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлган нормалар белгиланган.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 9-моддасида судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши белгиланган. Лекин, шу модданинг ўзида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилиши



тўғрисидаги нормалар ўз аксини топганлиги бежиз эмас.

Анвар Ибрагимов,

Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси:

– Судьянинг оммавий ахборот воситалари билан

ҳамкорлиги жараёнида амал қилиши лозим бўлган қоидалар Судьяларнинг одоб-ахлоқ кодексининг 14-моддасида куйидагича белгиланган: агар оммавий ахборот воситаларида судьянинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тарқалиши натижасида судлар ва судьялар фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлса, оммавий ахборот воситаларининг бундай чиқишларига нисбатан судья қонун ҳужжатларида назарда тутилган усулларда муносабат билдириш ҳуқуқига эга. Ҳимояланишнинг бошқача усуллари бўлмаган тақдирда, судья ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки танқидга омма олдида жавоб бериш учун оммавий ахборот воситаларига мурожаат қилишга ҳақли. Судья оммавий танқидга жавоб бераётганида вазмин ва эҳтиёткор бўлиши керак. Башарти, агар оммавий ахборот воситаларида судья фаолиятининг асоссиз танқид қилиниши оқибатида одил судловнинг обрўсига ва ҳолислигига путур етиши мумкин бўлса, бундай танқидга жавобан Судьялар олий кенгашига мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Судья ижтимоий тармоқларда, интернет-форумларда ва интернет тармоғидаги бошқа шаклдаги мулоқотларда иштирок этиши мумкин, бироқ у суд ҳокимиятининг, давлат органларининг нуфузига, бошқа шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган ахборотни тарқатмаслиги лозим.





Феруз Ибрагимов,
Бухоро туманлараро
маъмурий суди раиси:

– Семинар машғулотларида мен масофадан туриб онлайн тарзда иштирок этдим. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган журналистлар, ҳуқуқшунос олимлар суд

ҳокимияти билан оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари, суд мажлисларини ёритишдаги процессуал тартиб-таомиллар, шу жумладан журналистларнинг суд биносига кириши, суд муҳокамаси залида ҳозир бўлиши ва суд мажлисини қайд қилишига оид қоидалар, очиқ ва ёпиқ суд мажлисларида иштирок этиш талаблари, унда фото-, видео- ва киносьёмка қилиш, интернетда намоёиш этишдаги чеклашлар доираси, суд жараёнларини ёритишда журналистларнинг одоб-ахлоқ қоидалари, судлар фаолиятига оид маълумотлар ва уларни олиш тартиби тўғрисида қизиқарли маърузалар қилишди.

Суд органлари фаолиятида шаффофликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларига алоҳида тўхталиш лозим. “Судлар тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларида суд муҳокамаси ошкоралигини, судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқининг қандай тартибда амалга оширилиши, оммавий ахборот воситалари ходимларининг суд процессларида иштирок этиш тартиби белгиланган.



Анвар ИКРОМОВ,
жиноят ишлари бўйича
Яшнобод туман
суди судьяси:

– Бу муҳим ва мураккаб масалани тартибга соладиган нормалар баъзи бир халқаро ҳужжатларда ҳам назарда тутилган. Жиноят қурбонлари бўлган вояга етмаганлар билан боғлиқ маълумотлар

билан ишлаш, улардан фойдаланиш ва ОАВда тарқатишга оид қатор халқаро талаблар мавжуд бўлиб, журналистлар уларга қатъий риоя этиши шарт. Хусусан, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ҳамда “Жиноятдан жабрланган болалар ва гувоҳ болалар иштироки билан боғлиқ одил судловга оид асосий принциплар” нормаларига биноан жабрланувчи ва гувоҳ сифатида ишда иштирок этаётган болаларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳамisha биринчи ўринга қўйилиши керак. Одил судловни амалга ошириш жараёнида бола шахсига тегишли ҳар қандай маълумот ҳимояланади. Бунда ҳимоя жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида иштирок этувчининг вояга етмагани ҳақида ошкор этилиши мумкин бўлган ҳар қандай ахборот сир тутилиши орқали амалга оширилади. Шунингдек, мазкур халқаро ҳужжатнинг 26-моддасига биноан вояга етмаганларни ноўрин жамоатчилик эътиборидан ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши зарур. Жумладан, миллий қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда, вояга етмаганларнинг кўрсатма бериши жараёнида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларининг иштирокига йўл қўйилиши мумкин эмас.



Хулоса қилиб айтганда, семинарда мутахассислар томонидан суд тизими билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот фақат қонун доирасида амалга оширилиши шартлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.



**Ботиржон
ҚОСИМОВ,**

Тошкен давлат
юридик универси-
тети катта ўқи-
тувчиси, мустақил
изланувчи

СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ: ҲУҚУҚИЙ ИСЛОҲОТЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Биз суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашдан пировард мақсад одил судлов ва ҳуқуқ устуворлигига эришиш бўлиши керак деган қарашни илғари сурган бўлар эдик. Айти шундай мақсадга интилиш ва унга эришиш йўлида амалга оширилган ислоҳотларгина халқнинг судларга бўлган ишончини юксалтиришга хизмат қилади. Бинобарин, халқнинг судларга нисбатан ишончига фақатгина судьяларнинг мустақил бўлишида эмас, балки низоларни судьялар томонидан адолатли ҳал этилиши орқали эришиш мумкин. Бунга олиб борадиган восита эса суд ҳокимиятининг мустақиллигидир.

Айни вақтда Ўзбекистонда 2016 йилдан бошлаб қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини таҳлил этиш суд ҳокимиятини таъминлашга қаратилган ислоҳотлардан асосий мақсад мамлакатимизда одил судловга эришиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш эканини кўрсатмоқда. Авваллари деярли амалиётда кузатилмай кўйилган ҳолат – ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин кишига нисбатан оқлов ҳукмининг чиқарилгани¹ одил судловга эришишга интилишнинг амалий ифодасидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, одил судловга эришиш учун суд ҳокимиятининг мустақиллигидан ташқари бошқа зарур бўлган жиҳатлар ҳам мавжуд. Бунга судьяларнинг ҳалоллиги ва адолатлигини ҳамда суд тизимининг коррупциядан холи эканини келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистонда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган ислоҳотларни шартли тарзда қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич (1992-1999 йиллар). Ғ.Абдураҳимовга кўра, “Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг қабул қилиниши суд тизимини янгилаш, уни демократлаштириш жараёнига жиддий тўртки бўлди”².

Аслида, Ўзбекистонда мустақил суд ҳокимиятининг шаклланиши 1991 йил 31 августда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасидаги қуйидаги норма билан бевоқифа боғлиқдир: “Ўзбекистон Республикаси давлат идораларининг тизими ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади”³. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунга

1991 йил 30 сентябрда конституциявий мақом берилиб⁴, унда мустақамланган қоидаларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида амал қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши⁵ эса давлат ҳокимияти бўлиниш принципи ҳамда суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига конституциявий лигитимлик бахшида этди. Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд ҳокимиятининг мустақиллиги асосий қонун ёки унинг ўрнини босувчи қонунларда мустақамлаб кўйилади.

1993 йил 2 сентябрда “Судлар тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, унда суд ҳокимиятининг мустақиллиги, давлат ҳокимиятининг бўлиниш принципи билан боғлиқ конституциявий нормалар ривожлантирилди. Шунингдек, қонунда суд ишларини ҳал этишда аралашининг таъқиқланиши, судьяларнинг мустақиллиги, дахлсизлиги, моддий ва ижтимоий дахлсизлигига доир қоидалар акс эттирилди. 1997 йил 12 сентябрда судьяларнинг иш фаолиятини янада яхшилаш, уларнинг профессионал даражаси ва малакасини ошириш мақсадида Судьялар ассоциациясига асос солинди.

Қайд этиш лозимки, мазкур босқичда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд ҳокимиятига нисбатан таъсири катта эди. Жумладан, Адлия вазирлиги судларни ташкил этиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокама-сига киритиш, судьяликка номзодларни танлаш ва уларни тайёрлаш, судьяларнинг малакасини ошириш, судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишла-

рини ташкил этиш, судларнинг ташкилий ишларини текшириш, халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этиш, судлар томонидан ўтказилаётган суд амалиётини умумлаштириш ишида қатнашиш, суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилиш ишини ташкил этиш, судьяларнинг мустақиллигини мустақамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ваколатларига эга эди.

Шу боис, мазкур босқичнинг сўнгги йилларида судьялар корпусини адлия органларининг таъсиридан холи тарзда шакллантиришга қаратилган тизимни яратишга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси 1999 йил 30 июлдаги Президентининг "Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш бўйича комиссияни тузиш тўғрисида"ги Ф-1038 фармойиши билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида судьяларни тайинлаш ва лавозимига тавсия этиш бўйича алоҳида комиссия тузилди⁶.

Иккинчи босқич (2000-2015 йиллар). Кейинги босқичда навбатдаги суд-ҳуқуқ ислохотларининг зарурати биринчи босқичда қабул қилинган қонунларни ва суд тизими ҳамда судьялар корпусини шакллантириш тартибини танқидий кўриб чиқишга бўлган эҳтиёж билан асосланади⁷. Ушбу босқичдаги ислохотларнинг умумий хусусияти уларнинг суд тизими ва судьялар корпусини шакллантириш тизимини такомиллаштириш, суд ҳокимиятини адлия ва прокуратура органларининг таъсиридан холи этишга қаратилганида намён бўлади.

Ушбу босқичдаги энг муҳим ислохотлардан бири 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонунининг янги таҳрирда қабул қилингани бўлди. Қонунда суд ҳокимиятининг мустақиллигини кафолатлашга қаратилган бир қатор ўзгаришларни учратиш мумкин. Жумладан, номзодларни судьялик лавозимига тақдим этиш ҳамда судьяларнинг ваколатларини тўхтатиш ва тугатишга доир ваколатлар адлия органларининг тасарруфидан чиқарилди. Ушбу ваколатлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига ўтказилди.

Умумий юрисдикция судлари фаолиятини моддий-техника ва молиявий жиҳатдан таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги махсус ваколатли орган томонидан амалга оширилиши кўрсатиб ўтилди. Ушбу талабга биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш бошқар-

маси ва ҳудудий адлия бошқармаларининг тегишли бўлимлари тугатилиб, Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг ҳудудий тузилмаларига асос солинди.

Шунингдек, 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги қонун⁸ билан прокурорларнинг суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ваколати чиқариб ташланди. Шунингдек, аynи шу санада қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунга⁹ биноан суд қарорларининг ижросини таъминлаш вазифаси судлардан Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш департаментига ўтказилди.

Учинчи босқич (2016 йилдан ҳозирги вақтга қадар). Мазкур босқичда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган конституциявий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилиб¹⁰, 2017 йил 6 апрелда унга конституциявий мақом берилди¹¹ ҳамда унинг фаолиятини батафсил тартибга солишга қаратилган "Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида" қонуни¹² қабул қилинди. Шу муносабат билан, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тугатилди¹³.

2017 йил 12 апрелда Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги қонунига суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилди¹⁴. Ўзгаришларга биноан судья биринчи марта беш йиллик муддатга, навбатдаги ўн йиллик муддатга ва судьялик лавозимида бўлишнинг муддатсиз даврига белгиланган тартибда тайинланади ёки сайланади. Шунингдек, судья Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг ҳулосаси олинмасдан жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

*Бахт ҳавода эсмайди,
меҳнатдан келади.*

**Абу Абдуллоҳ
РУДАКИЙ**

Бундан ташқари, судларнинг фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида ташкил этилган Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти зиммасига юклатилди. 2003 йилда ташкил этилган Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси¹⁵ тугатилиб, унинг негизда алоҳида икки жамғарма, яъни Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси ва бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди¹⁶. Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини Адлия вазири раислик қиладиган Кузатув кенгаши бошқарган бўлса, эндиликда Суд ҳокимияти органларини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини бошқариш ва унинг маблағларини тақсимлаш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси бошқарадиган Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, алоҳида тарзда судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими қайта кўриб чиқилди¹⁷. Амалга оширилган бу ислохотлар суд ҳокимиятининг адлия органлари таъсиридан бутунлай холи этилишига олиб келди.

2017 йил 31 майда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган ўзгартишлар киритилди¹⁸, шунингдек “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуни¹⁹ қабул қилиниб, унда Конституциявий суднинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган тизим – Конституциявий суд раиси ва унинг ўринбосарининг Конституциявий суд мажлисида унинг судьялари орасидан сайланиш тартиби ўрнатилди.

Суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган навбатдаги ислохотларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида²⁰ белгилаб берилди. Фармонда судьяларга Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий малака ҳайъатининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъатларининг қарорлари устидан Судьялар олий кенгашига шикоят қилиш ҳуқуқини бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси, Бош прокурори ва улар ўринбосарларининг суднинг ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ҳамда қарорлари устидан назорат тартибда протест киритиш ҳуқуқини бекор қилиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, 2020 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сон фармони қабул қилинди. Унга биноан 2021 йилдан бошлаб одил судловни амалга ошириш жараёнида судьялар фаолиятига аралашининг олдини олиш учун Судьялар олий кенгашига қўшимча ваколатлар берилиши назарда тутилди. Яъни, судьяларнинг дахлсизлиги бузилса ёки уларнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятига аралашини ҳолатлари аниқланса бу ҳақда Судьялар олий кенгаши раиси томонидан прокуратура органларига тақдимнома киритилади. Тақдимнома прокуратура органлари томонидан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Судьялар олий кенгашига бу масалада жиноят иши қўзғатилгани ёки қўзғатиш рад этилгани ҳақида хабар берилади.

Бизнингча, юқорида назарда тутилган тартибнинг жорий этилиши Конституциянинг 111-моддасида мустаҳкамланган Судьялар олий кенгашининг суд ҳокимиятининг мустақиллиги конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашади, деган норманинг амалий механизми бўлиб хизмат қилади. Сабаби, гарчанд Конституцияда Судьялар олий кенгаши суд ҳокимияти мустақиллиги принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган орган экани айтилса-да, бироқ Кенгашда суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига турли субъектларнинг риоя этишларига эришиш борасида тегишли ваколатлар етарли эмас эди.

Биз юқоридаги ислохотларнинг манتيқий давоми сифатида суд ҳокимияти



мустақиллигининг истиқболи учун хизмат қиладиган қуйидаги таклифларни илгари сурамиз:

биринчидан, суд ҳокимиятининг функциялари бошқа ҳеч қайси давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан, шунингдек судьяларнинг ваколатлари бирон бир орган ва мансабдор шахслар томонидан ўзлаштириб олиниши мумкин эмаслигини ҳуқуқий норма шаклида қатъий белгилаш;

иккинчидан, судьяларнинг фақат Конституция ва қонунларга бўйсунishi ҳамда Конституция ва қонуннинг устунлиги сингари конституциявий принципларни ҳисобга олиб, агар суд ишни кўриб чиқишда қонун ости ҳужжатининг Конституция ва қонунга номувофиқлигини аниқласа, у конституциявий норма ёки қонун нормасини қўллаши кераклигини назарда тутувчи қонун қонунчиликда акс эттириш;

учинчидан, “бир суд – бир инстанция” принципига асосланган суд тизимини қонун даражасида мустақамлаш;

тўртинчидан, судьяларнинг жавобгарлигини таъминлашга қаратилган чоралар уларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган чоралар билан мувозанатда бўлиши зарур. Ривожланган давлатларда судьяларга нисбатан интизомий жазо сифатида жарима қўлланилмайди. Шу боис, судьяларга нисбатан қўлланиладиган жарима ва ҳайфсан сингари интизомий жазо чоралари ўрнига танбеҳ ва огоҳлантириш сингари интизомий жазо чоралари киритилиши мақсадга мувофиқ;

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, суд ҳокимиятининг мустақиллигидан кўзланган пировард мақсад одил судлов ва ҳуқуқ устуворлигини таъминлашдир. Ўзбекистонда суд ҳокимиятини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий ислохотлар даврий нуқтаи назардан асосий эътибор суд ҳокимиятини алоҳида мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шакллантиришга қаратилган биринчи босқич, унинг адлия ва прокуратура органларининг таъсиридан чиқаришга қаратилган иккинчи босқич, судьялар корпусини судьялар ҳамжамияти орқали шакллантириш тизимини жорий этиш орқали суд ҳокимиятини ўзини ўзи бошқаришда иштирок этишга имконият бериш ва бу орқали суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга қаратилган конституциявий ислохотларни ўз ичига олган учинчи босқични қамраб олади. Мақолада илгари сурилган таклифлар эса суд ҳокимиятининг мустақиллиги кафолатини кучайтиришга хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон;
2. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври / Муаллифлар: А.А. Полвоң-зода, Г.А.Абдумажидов ва бошқалар. – Т.: Адолат, 2002. – Б. 13;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда. Қаранг http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=127899;
4. Изоҳ: “Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига конституциявий мақом бериш ҳақида”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 268-модда. Қаранг http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=139431;
5. “Халқ сўзи” газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон;
6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 8-сон, 180-модда;
7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – Б. 66-67;
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 168-модда;
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сон, 169-модда;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4966-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 8-сон, 109-модда;
11. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва кўшимча киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 213-модда;
12. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 14-сон, 214-модда;
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари ўз кучини йўқотганлиги тўғрисида” ПФ-5007-сон фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 245-модда;
14. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ва ҳужжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 242-модда;
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 18 мартдаги “Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 147-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 5-6-сон, 54-модда;
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги “Судлар ва адлия органлари фаолиятини моддий-техник ва молиявий таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3240-сон қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 35-сон, 922-модда;
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июндаги ПҚ-3240-сонли “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сон фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.07.2018 й., 06/18/5482/1506-сон;
18. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида (80, 93, 108 ва 109-моддаларига)”ги қонун. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 406-модда;
19. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 407-модда, 37-сон, 978-модда;
20. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.07.2020 й., 06/20/6034/1103-сон.



Гулрух БУРХОНОВА,
Ўзбекистон Республика-
си Бош прокуратура
Академияси мустақил
изланувчиси

МАЖБУРИЙ ИЖРО ЭТИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ: КЕЧА ВА БУГУН

Ўзбекистон ҳудудда суд ҳужжатларини ижро этиш билан боғлиқ тарихийлик Мовароуннаҳр давлатчилигига бориб тақалади.

Илк бор IX-X асрларда суд қарорларининг ижросини таъминловчи мансабдор шахс фаолият юрита бошлаган. Амирнинг барча фармонларини ижро этувчи мансабдор шахс – “Амири-ҳорис”лар бўлган¹. Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асарида ҳам ушбу масъул шахс ҳақида тўхталиб ўтилган. Хусусан, унинг яшаш шароити учун барча зарур буюмлар борлиги ҳамда унга нисбатан барча ҳурматда бўлганлиги таъкидланган². Исломушнос олим И.Бекмирзаев ўзининг “Бурхониддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “Ал-муҳит” асари ва Мовароуннаҳр қозилигида тутган ўрни” мавзусидаги номзодлик диссертациясида XI-XII асрлар давомида суд ижрочиларининг тарихий фаолиятини ўрганган.

Мазкур илмий ишга кўра, қозилик маҳкамасидаги “қассом”га қози томонидан даъво кўриб, ҳал этилгандан сўнг мулкни тегишли шахсга олиб бериш ва тақсимлаш вазифаси юклатилган³.

Ўзбек давлатчилиги тараққий этиш даври мобайнида суд ҳужжатларини ижро этиш миршабларнинг ваколатига кирган. Аммо бу уларнинг асосий вазифаси ҳисобланмаган, чунки улар мамлакатда қонун талабларига риоя қилиниши устидан назорат, жинойатларни тергов қилиш ва тарафлар ўртасидаги тортишувларни ҳал қилиш кабилар билан шуғулланган.

Ўзбек давлатчилиги тараққиёти кўп босқичларни босиб ўтишига қарамасдан, чор Россияси ҳукмронлиги ҳам давлат бошқаруви органлар фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмади.

XIX аср охирида мамлакатимиз ҳудудлари чор Россияси маъмурий тузилмаси ҳисобланиб, Туркистон генерал губернаторлиги таркибига кирган. (1867-1917 йй.) 1867 йилда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш ҳақида”ги Низомда ҳудудни бошқариш тартиби белгиланган. Ушбу Низом талабларига кўра, Туркистон вилоятини бошқариш ҳарбий ва фуқаролик ҳокимиятининг ўзаро уйғунлашишига, маъмурий суд, хўжалик ва бошқа вазифаларнинг бир муассасада марказлашувига асосланган⁴.

Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга кўра, бошқа вазифалар билан бир қаторда суд ва ҳукумат қарорларини ижро этиш вазифаси волость⁵ бошқарувчиси зиммасига юклатилган.

Туркистон ўлкасида суд қарорларини ижро этиш тартибини ўзгартириш ҳақида Адлия вазирлигининг №1315 б-сонли тақдимномасига асосан 1890 йил 26 апрелда Россия императори Александр II фармонига кўра Низомга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган. Ўзгартиришларга кўра Сирдарё вилояти суди ҳузурида Тошкент шаҳрида суд пристави лавозими таъсис этилган⁶.

Низомга кўра, суд приставлари зиммасига вилоят суди ҳамда ҳакамлик судлари қарорларини ижро этиш вазифалари юклатилган. Шу билан бирга, суд приставларини рағбатлантириш ва улар томонидан фаолияти давомида йўл қўйилган камчиликлар учун жазо масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган. Мисол учун, тўланадиган йиллик маошлар, мукофот пуллари ҳамда улар томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлари туфайли зарар етказилган тақдирда тўланиши лозим бўлган пул миқдорлари, шунингдек, суд приставларини жавобгарликка тортилиши масалалари ёритилганлигини кўришимиз мумкин⁷.

Туркистон ўлкасининг бошқа ҳудудларида суд қарорларини ижро этилиши қуйидаги тартибда амалга оширилган: ижро ҳужжати бўйича ундирувчи қарздор томонидан ижро этилиши лозим бўлган, бироқ суд томонидан белгиланган ихтиёрий муддатда ижро этилмаган ижро ҳужжати бўйича уезд⁸ бошлигига илтимоснома билан мурожаат қилган. Уезд бошлиги ушбу илтимосномага асосан, волость бошқарувчисига суд томонидан қарор қабул қилинганлигини, бироқ қарздор суд қарорини ихтиёрий ижро этмаётганлиги ҳақида маълум қилиб, ижрони таъминлаш юзасидан мурожаат қилган⁹.

Собик иттифоқ даврида суд ҳужжатларининг ижро этилиши 1924 йил 26 ноябрда Инқилобий кўмитанинг қарори билан Туркистон Автоном республикаси Адлия халқ комиссарлигининг негизда Ўзбекистон Адлия халқ комиссарлиги ташкил этилган бўлиб, унинг вазифаларидан бири Бухоро амирлиги, Хоразм ва Қўқон хонликлари ҳудудларида адлия идораларининг фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштиришдан иборат бўлган.

Шунингдек, 1925 йил 6 майда Ўзбекистон Кенгашининг Марказий ижроия кўмитаси Раёсати Адлия халқ комиссарлиги Низоми тасдиқланиб, унга кўра Адлия халқ комиссарлигининг асосий ваколатларидан бири суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш бўлган.

Архив ҳужжатларини ўрганиш жараёнида суд ҳужжатлари ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш соҳасида, ижро этиш қодаларини тартибга солувчи қонуний асос – норматив ҳужжат мавжуд бўлмаганлиги маълум бўлди. Фақатгина 1927 йилдаги қонун ҳужжатларида суд ҳужжатларини ижро этиш тартиби белгилаб ўтилган. Унга кўра, вилоят судлари ва халқ судлари ҳузурида суд ижрочилари бўлиб, суд ижрочилар судларнинг бевосита бошқаруви ҳамда кузатуви остида ўз фаолиятларини олиб боришган. Бундан ташқари, ер комиссия қарорларини ижро этилиши милиция органи ва туман ижро кўмиталари зиммаларига юклатилиши мумкин эканлиги белгиланган.

Иттифоқ даврида суд ижрочилари округ (вилоят) судлари томонидан лавозимга тайинланиб лавозимдан озод этилганлар¹⁰.

Шунингдек, ўша даврда суд ҳужжати ижро этиш учун суд томонидан ихтиёрий муддат белгилаб берилиши мумкин бўлган. Бундай муддат суд қарори билан белгилаб берилмаган тақдирда суд ижрочиси томонидан қарздорга ижро ҳужжати топширилаётган ёки юборилаётган вақтнинг ўзида етти кундан кўп бўлмаган ихтиёрий муддат берилиши мумкин бўлган¹¹.

XX аср охирларига қадар суд ижрочилари халқ судлари ҳузурида ҳамда Адлия вазирлиги бўйсинувида бўлган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларида суд қарорларини мажбурий ижро этиш учун судларда суд ижрочилари бўлган. Судда икки ва ундан кўпроқ суд ижрочиси бўлганда улардан бири катта ижрочи ҳисобланган¹².

Дастлаб суд ижрочилари фаолиятига оид қонун ҳужжати мавжуд бўлмаган бўлсада, суд ижрочилари ижро иши юритувини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 1993 йил 28 декабрдаги 57-п-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ижро юритиш” ҳақидаги Қўлланмаси асосида олиб борганлар.

Унга кўра, суд ижрочисининг иш фаолиятини бошқариш туман (шаҳар) судининг раиси ва судьясига юклатилган. Бунда туман (шаҳар) судлари раислари ва судьялари ҳар ойда суд ижрочиларининг фаолиятини текшириб, бу ҳақида далолатнома расмийлаштирган ҳамда Адлия бошқармасига хабар берган.

Энг эътиборли томони шундаки, суд ижрочиси томонидан бажарилиши лозим бўлган деярли барча ижро ҳаракатлари судьяга мурожаат қилиш орқали суднинг қарори асосида амалга оширилган. Мисол тариқасида, суд ижрочиси алимент ижро ҳужжати бўйича қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиш юзасидан судьяга мурожаат қилиши лозим бўлганлигини келтиришимиз мумкин¹³.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан суд қарорларини ижро этиш тизимини қайта ташкил этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлиги масаласига 1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақирғи олтинчи сессиясида тўхталиб ўтилган¹⁴.

Шу билан бирга, 2001 йил 29 августда биринчи Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан ижро ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши бу борадаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқилишига сабаб бўлган. Ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 383-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли тузилма – суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилган.

Суд қарорларининг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳамда ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни изчил амалга ошириш мақ-

садида “Судлар тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилиниб, судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши ва бутун диққат-эътиборини ўзларининг асосий вазифаси - одил судловни амалга ошириш имкони берилган¹⁵. Бу эса ўз навбатида суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини яратган.

Ташкил этилган Суд департаменти томонидан лозим даражада иш ташкил этилмаганлиги оқибатида унинг фаолиятида хато ва камчиликлар мавжуд бўлиб, улар суд қарорларини мажбурий ижро этиш тизими самарадорлигига салбий таъсир кўрсатган, масъул мансабдор шахслар томонидан мажбурий ундирувлар бўйича юклатилган мажбуриятлар мунтазам равишда бузиб келинганлиги оқибатида суд ижрочилари иш юритувида келиб тушган ижро ҳужжатларидаги ижроси таъминланмаган ҳужжатлар қолдиғи йилдан йилга кўпайиб борган, шу билан бирга, 2005 йил якунларига кўра, ижроси таъминланмаган ҳужжатлар 26 фоиз, ундирилмай қолган маблағлар эса 445,5 миллиард сўми ташкил этган.

Мавжуд салбий ҳолатнинг юзага келишига Суд департаментига суд қарорларини ижро этиш бўйича бир қатор қўшимча вазифаларнинг юкланиши сезиларли таъсирини ўтказган. Суд ижрочисининг ўртача иш ҳажми 2001 йилга нисбатан уч баравардан ортиқ, айрим ҳудудларда эса 6-7 бараварга ошган.

Шу билан бирга, Суд департаменти бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, суд ижрочилари фаолиятини ташкил этишнинг шакл ва усулларини, ахборот-коммуникация ва бошқа замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилмаган¹⁶.

Камчиликларни бартараф этиш мақсадида 2006 йил 31 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-458-сон қарори қабул қилинди.

Шунингдек, 2007 йил 1 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-722-сон қарори билан юқорида қайд этилган ПҚ-458-сонли қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан суд ижро тизимини ташкилий ва тузилмавий жиҳатдан ўзгартиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар кўрилган.

Жумладан, Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилиб, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича: хўжалик судлари, умумий юрисдикция судлари, солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилган.

Суд департаментида Ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилиб, ҳудудий бўлинмалар тузилмасига тегишли ўзгартишлар киритилган.

Қадрлар захирасини шакллантириш бўйича чора-тадбирлар кўрилган, жумладан, суд ижрочиси лавозимига

номзодларни танлов асосида саралаб олиш тартиби жорий этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 майдаги 5059-сон Фармонида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаменти фаолиятини ташкил этишдаги жиддий камчиликлар ижро иши юритилиши самарадорлигига ўзининг салбий таъсирини кўрсатганлиги, амалдаги ундирув кўрсаткичининг 2016 йилда атиги 45 фоизни ташкил этганлиги, идоралараро ҳамкорликнинг ва Суд департаменти фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг паст даражадалиги ижро ҳужжатлари ҳисоби юритилишида ҳаққонийликни таъминлашга, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг сўзсиз ижро этилишига салбий таъсир кўрсатганлиги, қонунийликни ва ижро интизомини мустаҳкамлаш ишларида йўл қўйилган камчиликлар оқибатида 2016 йил ва 2017 йилнинг I чораги давомида содир этган ҳуқуқбузарликлари учун Суд департаментининг 36 нафар ходими жинойий жавобгарликка тортилганлиги қайд этилган.

Юқоридагиларга кўра ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ижро иши юритишнинг самарадорлигини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Мажбурий ижро бюроси ташкил этилди. Тугатилган Суд департаментининг Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифалари, функциялари ҳамда ваколатлари Бюрога ўтказилди¹⁷.

Тарихга назар солар эканмиз унда бугунги кундаги ижро тизими билан ўзаро фарқларни кўришимиз мумкин.

Биринчидан, юқорида айтиб ўтилганидек муқаддам қарор ижросини таъминлаш учун ихтиёрий муддат судлар томонидан белгиланиб, улар томонидан қабул қилинадиган қарорларда қайд этилган. Ҳозирда эса мазкур ихтиёрий муддатни давлат ижрочисининг қарориде кўрсатилиши белгиланган. Жумладан, “давлат ижрочиси ижро иши юритишни кўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун ижро иши юритиш кўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан ўн беш кун муддат белгилайди”¹⁸.

Иккинчидан, биз шиддатли ахборот асрида яшамокдамиз, ахборот технологиялари юқори суратларда ривожланиши, жамият ва давлат ҳаётида кескин ижобий ўзгаришларнинг юз беришига сабаб бўлиб инсоният тараққиётини янги босқичларга олиб чиқмоқда. Бу эса ўз ўрнида ижро ҳаракатларини амалга оширишда ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Жумладан, ижро ҳужжатини қарздорга ўз вақтида етказиш ҳамда давлат ижрочисини бу ҳақида хабардор бўлишининг имконини беради. Совет даврида эса юқорида қайд қилинганидек, қарздорга ижро ҳужжати у томонидан суд жараёнида кўрсатилган манзилда истиқомат қилиш ёки қилмаслигидан қатъи назар ижро ҳужжати топширилган ҳисобланган.

Учинчидан, собиқ Суд департаментининг вазифаларидан бири судьяларнинг моддий техник базасини шакллантириш ҳисобланган. Бу эса уларнинг асосий вазифаси - суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини

ижро этишда юзага келган айрим камчиликларга сабаб бўлган.

Тўртинчидан, ҳозирги ижро тизимининг афзал томонларидан бири шундан иборатки, давлат ижрочиси юридик маълумотга эга бўлиб, хизматга қабул қилинган кундан бошлаб бир йилдан сўнг аттестациядан ўтказилиши лозим. Аттестациядан муваффақиятли ўтганидан сўнг прокуратура органи ходими сифатида хизматни олиб боради. Шу билан бирга, прокуратура органи ходими унвонига эга бўлиб, махсус кийим кийиш ҳуқуқига эгадир. Бу эса қарздор давлат ижрочиси томонидан ижро ҳаракатларини амалга ошириш давомида унга қаршилиқ кўрсатиш ҳолатларини олдини олишга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон ҳалқларининг тарихи 1-том. Проф. К.В.Тревер, проф. А.Ю.Якубовский ва фан кандидати М.Э.Воронец. ЎзССР Фанлар Академияси нашриёти. Тошкент-1950 й. 6-247
2. Низомулмулк. “Сиёсатнома”. Тошкент “Янги аср авлоди. 2008 й. 6-156
3. И.Бекмирзаев дисс. “Бурхонуддин Маҳмуд ал-Бухорийнинг “Ал-муҳит” асари ва унинг Мовароуннаҳр қозилигидаги тугган ўрни” Тошкент 2009. 6-49
4. Н.А.Абдурахимова, М.С.Исакова, З.М. Сулейманова монография “Давлат муассасалари тарихи” Тошкент -2007. 6-55
5. Волость - (р.волда- хокимият.) Чор Россияда ва СССРда районлаштиришга қадар уезд таркибига кирувчи қуйи маъмурий ҳудудий бўлинма.
6. Положение об управлении Туркестанского края. Издание 1892 года. Свод законов Российской Империи. Том второй. п-99. <http://www.hrono.info/dokum/turkestan>
7. Ўзбекистон Миллий архиви. “Канцелярия Туркестанского генерал губернатора. О командовании подполковника Губерневского секретаря Чернеса в управлении начальника города Ташкента.” Фонд И-1. 28-рўйҳат, 6-2.
8. Уезд- (қад.рус. - йўл, кўча, юриш) Чор Россияда ва собиқ СССРда 1929 йилгача губерния таркибидеги маъмурий-худудий бўлинма.
9. Ўзбекистон Миллий архиви. “Самаркандского уездного начальника. О приведении в исполнении Народных судей ” Фонд И-1. 28-рўйҳат, 6-2.
10. Собрание кодексов. Издание юридического издательства при упр.дел СНК Уз ССР. Самарканд 1928. ст.47 6-13-14. 34.Уз 2 (34)
11. Шу ерда 6-277.
12. Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонуни 02.09.1993 й. №924-XII (Эски таҳрири). Norma
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 28.12.1993 йилдаги 57-п-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ижро юритиш” ҳақидаги Қўлланмаси.
14. Халқ сўзи. 29.08.1996 й. 172-173-нашр.
15. И.Каримовнинг 12.11.2010 й. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.08.2006 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-458-сон Қарори
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.05.2017 й. ПФ-5059-сон “Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/3218772>
18. “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонун 23-модда 29.08.2001 й. <https://lex.uz>



Аброр МУХИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
кафедраси ўқитувчиси,
мустақил изланувчи

ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР ЎРТАСИДАГИ ЧЕГАРА

Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг ривожланиш тарихига назар ташласак, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жинояти учун жавобгарлик у қадар қадим тарихга эга эмаслигини кўришимиз мумкин. Ўрта асрларда ўз жонига қасд қилишда фақат қасд қилган инсоннинг ўзи сабабчи деб қаралиб шарият қоидаларига кўра иш кўрилган.

Шу боис, ушбу жиноят учун жавобгарликка оид нормаларнинг вужудга келиши ва ривожланишини икки босқичга: мустақилликкача ва мустақиллик даврига бўлиш мумкин.

Биринчи босқичда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш учун бевосита жиноий жавобгарлик белгиланди ҳамда бу борадаги нормалар муайян даражада такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги Жиноят кодекси иккинчи боби 87-моддаси¹ “Ўз ўзини ўлдириш даражасига етказиш” деб номланган.

Ўзбекистон ССРнинг 1926 йилдаги Жиноят кодекси 192-моддасида² ҳам шунга ўхшаш норма амалда бўлган, бироқ тор доирада, яъни модданинг биринчи қисм диспозицияси “Вояга етмаган ёки ўзи қиладиган ишларининг хусусиятини ёхуд аҳамиятини тушуна олмаган ёки ўз ҳаракатини идора қила олмаган шахсга ўз-ўзини ўлдиришга ёрдамлашиш ёхуд ўзи ўзини ўлдиришга кўндириш” тарзида белгиланган бўлса, иккинчи қисм диспозицияси эса “Моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан ўзига боғлиқ бўлмаган шахсни қаттиқ муомала ёки ўзининг тутган ўрнини суистеъмол қилиш йўли билан ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга қасд қилиш даражасига етказиш” деб номланган. Гарчи шундай бўлсада, биз бу нормани Ўзбекистон жиноят қонунчилигининг тарихида илк бор ушбу кодексда акс этган дея олмаймиз. Сабаби, бу ерда гап ўз ўзини ўлдиришга ёрдамлашиш ёхуд ўзини-ўзи ўлдиришга кўндириш ҳақида кетаяпти.

Ўзбекистон ССРнинг 1959 йил 21 майдаги Жиноят кодекси 87-моддаси қуйидагича таҳрир этилган ва ушбу таҳрир 1988 йил 1 январь ҳолати бўйича киритилган ўзгартириш қўшимчалар асосида ишлаб чиқилган қонунда ҳам ўзгаришсиз қолган:

87-модда. Ўз-ўзини ўлдириш даражасига етказиш.

Моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга боғлиқ бўлмаган шахсни доимий равишда қувғин, бўхтон ва ҳақорат қилиш

натijasида ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш — уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Моддий томондан ёки бошқа жиҳатдан айбдорга боғлиқ бўлган шахсни раҳмсиз муомала қилиш, қувғин қилиш ёки уни доимий хўрлаш ёки бошқа шунга ўхшаш йўللار билан ўз-ўзини ўлдириш ёки ўз-ўзини ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш — беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг 1994 йилдаги қабул қилинган Жиноят кодексига “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш” номли 103-модда киритилди.

Мазкур кодекснинг 103-моддасидаги “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш” энди бўхтон ва қувғин қилиш каби усулни назарда тутмайди. Бунда жиноий жавобгарликнинг мажбурий шарты бу – таҳдидлар, жабрланувчининг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситишдир.

2017 йил 13 июндаги ЎРҚ-436-сонли қонун³ асосида 103-модданинг биринчи қисм диспозицияси “Шахсни кўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва кадр-қимматини муттасил равишда камситиш натijasида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилиш даражасига етказиш” дея номланиб, иккинчи қисмида оғирлаштирувчи ҳолатлар назарда тутилган қуйидаги:

а) моддий томондан ёки бошқа жиҳатлардан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан;

б) вояга етмаган шахсга ёки ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

г) телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб содир этилган бўлса”.



Бундан ташқари, ушбу қонун асосида Жиноят кодексига 103¹-модда “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш” киритилди.

Амалиётчилар ва назариячи олимлар ўртасида ўзини ўзи ўлдириш билан қасддан одам ўлдириш жиноятлари ўртасидаги чегара борасида айрим тортитушлар мавжуд ва бу албатта жиноятларни квалификация қилишда ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди.

Маълумки, ҳаёт жиноят-ҳуқуқий ҳимоя объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси махсус қисм биринчи бўлим, биринчи боби билан ҳимояланган. Ҳаётга қарши жиноятларнинг бевосита объекти муайян шахснинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Демак, биз таҳлил қилаётган ҳар иккала жиноятнинг объекти ҳам бевосита шахснинг ҳаёти ва яшаш ҳуқуқидир.

Қасддан одам ўлдиришнинг объектив томони бошқа шахснинг ўлимига сабаб бўлишда ифодаланади ва одатда жисмоний (масалан, ағдариш, бўғиш, баландликдан отиш ва ҳ.к.) ва руҳий (масалан, юрак-қон томир касаллиги билан оғриган одамга қасддан унга жиддий зарар етказадиган сўзлар айтиш, ўлимга олиб келиши мумкин бўлган маълумотлар) бўлиши мумкин бўлган фаол ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Қасддан одам ўлдириш ҳаракатсизлик йўли билан ҳам содир этилиши мумкин. Ҳаракатсизлик учун жавобгарлик айбдорнинг, жабрланувчининг ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган муайян хатти-ҳаракатларга эга бўлиши ва амалга ошира олиши шарт билан ифодаланади. Объектив томоннинг зарурий белгиси - айбдорнинг содир этган қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) билан жабрланувчининг ўлими ўртасида сабабий боғланиш мавжудлиги ҳисобланади⁴. Демак, шахснинг ўлими унинг тасодифий қисмати эмас, балки айбдорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)нинг зарурий ва табиий натижаси бўлиши керак.

Қасддан одам ўлдиришнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган (Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортилади) ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади⁵.

Қасддан одам ўлдиришнинг субъектив томони айбнинг қасд шакли билан тавсифланиб ҳам тўғри, ҳам эгри қасд билан содир этилиши мумкин. Қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этаётганда айбдор жабрланувчини ҳаётдан маҳрум этиш қасди билан ҳаракат қилади, қилмишнинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етади, ўлим юз беришини истайди (тўғри қасд) ёки бунга онгли равишда йўл қўйиб беради (эгри қасд)⁶.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг объектив томони жабрланувчига қилинган раҳмсиз муомала ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситишга қаратилган ҳаракатларда намоён бўлади⁷. Демак, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш айбдор шахснинг фаол ҳаракатлари (камроқ-ҳаракатсизлиги)дан иборат бўлиб, объектив томоннинг зарурий белгиларини турли хилдаги таҳдидлар, жабрланувчига нисбатан раҳмсиз муомала қилиш, жабрланувчининг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш ташкил этади.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахс ҳисобланади⁸.

Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш субъекти томонидан жабрланувчига қилинган таҳдидлар, раҳмсиз муомала ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситишга қаратилган ҳаракатларга нисбатан эгри қасд, оқибатига нисбатан эҳтиётсизлик билан содир этилади⁹. Шунингдек, айбдор содир этган қилмиш ва келиб чиққан оқибат ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Яъни, жабрланувчи айнан айбдорнинг таъсири остида ўзини ўзи ўлдириши ёки унга суиқасд қилиши зарур.

Бу борада В.Т.Батычконинг таъкидлашича, ўзини ўзи ўлдириш (суиқасд қилиш) факти билан айбдорнинг қилмиши ўртасида сабабий боғланиш бўлиши керак, яъни қилмишни квалификация қилишда жабрланувчининг ўз жонига қасд қилишга ундовчи бевосита сабаб, шахснинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) эканлиги аниқланган бўлиши керак. Агар у бошқа сабаблар (масалан, ишдаги асоратлар, оилавий муносабатларнинг бузилиши, руҳий касаллик) натижасида юз берган бўлса, бу ерда жиноят таркиби йўқлиги туфайли жиноят рад этилади¹⁰.

Ҳуқуқшунос олимлар С.В.Бородин¹¹, В.Н.Кудрявцев, А.В.Наумов¹², Б.В.Здравомыслов¹³, И.Л.Козаченко, З.А.Незнамовлар¹⁴ ушбу жиноят субъектив томонидан эгри қасд билан содир этилади, агарда шахс жабрланувчини ўзини ўзи ўлдириш даражасига қасддан етказса, унинг ҳаракатлари одам ўлдириш жинояти сифатида баҳоланиши лозимлигини таъкидлашган. Бундай ҳолатларда ҳаракат ўлимга сабаб бўладиган даражадаги жароҳат етказиш, заҳарлаш каби ҳаракатлардан фарқ қилмаслигини таъкидлашган. Хусусан, Н.И.Загородниковнинг таъкидлашича “Агар айбдорнинг нияти жабрланувчининг ўз жонига қасд қилиши бўлса, содир этилган қилмиш тўғридан-тўғри қотиллик деб ҳисобланиши керак”¹⁵.

С.В.Бородиннинг фикрига кўра, “инсон ўз олдига бошқа одамни ўз жонига қасд қилишни мақсад қилиб қўйган, бунинг учун барча зарур шарт-шароитларни яратган ҳолларда, бу қилмиш қасддан одам ўлдириш билан квалификация қилиниши керак, бу қотиллик жиноятини амалга оширишнинг ўзига хос усули билан тавсифланади”.

Ушбу олимларнинг фикридан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қасддан одам ўлдириш ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноятлари ўртасидаги чегара тўғри ва эгри қасд билан ифодалангани, яъни агар ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш тўғри қасддан содир этилса қилмиш қасддан одам ўлдириш билан квалификация қилиниши керак.

Бироқ, бу бироз мулоҳазали, чунки, биринчидан, айбдор ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишда жабрланувчини бевосита ҳаётдан маҳрум қилиш ҳаракатларини амалга оширмайди. Ҳаракатсизлик ҳолатларига йўл қўйган тақдирда ҳам, у шахсан ўзи бошқа инсонни ҳаётдан маҳрум қилмайди. Бундай вазиятда ўзини ўзи ўлдириш ҳолати шахснинг ўзи томонидан содир этилади. Бу борада М.П.Журавлев, С.И.Никулинларнинг¹⁶ ҳақли равишда ўзини ўзи ўлдиришда жабрланувчи ўз ҳаётига ўзи нуқта қўйиши лозим, сабаби ўзини ўзи ўлдириш жиноятининг объектив томони одам ўлдириш жиноятдан принципиал фарқи ҳам айнан ана шундадир деган фикрларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Бундай қарашларни, ҳуқуқшунос олимлар Ю.Ронжин ва Б.Волков ҳам қўллаб-қувватлаб: “...ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг одам ўлдиришдан фарқи, айбдор томонидан жабрланувчини ҳаётдан маҳрум қилмаслигидадир. Ўз ҳаракатлари билан у жабрланувчи учун ўзини ўзи ўлдиришдан бошқа иложи йўқ бир вазиятни туғдирсада, жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирмасдан, айбдорнинг таҳқирларидан қочиш ва бошқа йўллар билан халос бўлиши мумкинлигини” таъкидлашган¹⁷.

Демак, айбдор ўз қилмишида қонунда кўрсатилган усуллардан фойдаланиб, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдиришга бўлган имкониятларини ва бунинг муқаррарлигини олдиндан билиб, буни ният қилса тўғри қасд ёки тураб бефарқ қараб бунинг оқибатларига йўл қўйса эгри қасд ҳисобланади. Шу боис айтиш мумкинки, бундай жиноят субъектив томондан эҳтиётсизлик билан содир этилмайди.

Шунингдек, кўриб чиқилаётган жиноятларнинг яна бир фарқли жиҳати қасддан одам ўлдириш моддий таркибли жиноят ҳисобланиб, аниқ оқибат юз бериши керак, яъни ушбу жиноят миянинг тузалмас ҳалокати, яъни жисмоний ўлимнинг юзага келиши билан ифодаланувчи биологик ўлим бошланган пайтдан эътиборан тугалланган ҳисобланса, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш биологик ўлим пайтидан бошлаб ҳам, ўз жонига қасд қилишга уриниш пайтидан бошлаб ҳам тугалланган ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишни ва қасддан одам ўл-

дириш орасида нозик чизиқ мавжуд деган хулосага келишимиз мумкин. Ҳар иккала жиноятнинг оқибати битта – яъни ўлимдир. Амалиётда ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш фактини исботлашда қийинчиликлар мавжудлиги ҳамда жиноят далиллари йўқлиги туфайли кўпгина жиноят ишлари тугатилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 103-моддаси “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш” ҳамда, 103¹-моддаси “Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш” каби ишлаб чиқилган янги композицияни муккамал таҳлил қилиш ва амалиётда қўллаш, бундай жиноий ҳаракатларни тўғри квалификация қилишга ва ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказишнинг олдини олишга самарали ҳисса қўшади десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, фаолиятда қонунийлик ва одиллик тамойилларига риоя қилиш айнан ўзини ўзи ўлдириш ва қасддан одам ўлдириш жиноятларини субъектив белгиларини тўғри тушунган ҳолда квалификация қилишга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Уголовный кодекс Узбекской ССР// 1971 йил 1 январгача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан. –Т.: 1971.
2. Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси. Ўзбекистон ССР Адлия министри К.Комилжоновнинг умумий таҳрири остида. – Т.: 1947.
3. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги Қонуни. <https://lex.uz/docs/3235501?ONDATE=14.06.2017%2000#3235543>
4. М.Х.Рустамбоев. “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ” (Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашр. 2016 йил 1 ноябргача бўлган ўзгариш ва қўшимчалар билан) махсус қисм. / – Т.: 2016. – 960 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/ru/docs/111453>
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сон қарори // <https://lex.uz/docs/1455961>
7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 20-сонли қарори. <https://lex.uz/ru/docs/1446429>
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. <https://lex.uz/ru/docs/111453>
9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 20-сонли қарори, 6-банд. <https://lex.uz/ru/docs/1446429>
10. В.Т.Батычко. Уголовное право. Особенная часть : учебник / В.Т. Батычко. – Таганрог : ИТА ЮФУ, 2015. – 942 с. <https://may.alleng.org/d/jur/jur148.htm>
11. С.В.Бородин. Преступления против жизни. М., 1999.с. 62.
12. В.Н.Кудрявцев, А.В.Наумов. Российское уголовное право. Особенная часть. М., 1997.с. 57.
13. Б.В.Здравомыслов. Уголовное право России. Особенная часть. М., 1996. с. 49
14. И.Л.Козаченко, З.А.Незнамов. Уголовное право. Особенная часть. М., 1998.с. 46
15. Н.И.Загородников. Преступления против жизни по советскому уголовному праву / Н.И. Загородников. – М. : Госюриздат, 1961. – 278 с.
16. М.П.Журавлев, С.И.Никулин. Российское уголовное право. Особенная часть. М., 1988.с. 46
17. Ю.Ронжин, Б.Волков. Судебная практика по делам о доведении до самоубийства // Советская юстиция. 1970. № 11.



Улуғбек
ИБРАГИМОВ,
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ҲАҚИҚАТНИ АНИҚЛАШДА ГУВОҲ КЎРСАТМАЛАРИГА АСОСЛАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Жиноят процессида гувоҳ деб жиноят иши бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатни билиши мумкин бўлган ҳар қандай шахсга айтилади. Ўзбек тили изоҳли лугатида эса гувоҳ сўзи – бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ёки уларнинг ҳақиқатдан ҳам бўлганлигини тасдиқлаш учун шу иш бўлган жойга махсус чақирилган кишига нисбатан ишлатилган¹. Мазкур тушунчалар ўз моҳиятига кўра жиноят процессида гувоҳ кўрсатувларининг ҳақиқатни аниқлашдаги ўрни ва аҳамиятини намоён қилади. Соҳа олимларидан А.Рахмонқулов гувоҳ кўрсатмаларининг ўзига хос томонларидан бири сифатида унинг жабрланувчи кўрсатмалари билан умумий хусусиятларга эга эканлигини ҳам қайд этиб ўтган².

Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлашда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш бўйича гувоҳларни аниқлаш, улардан кўрсатувлар олиш, олинган кўрсатмаларнинг иш ҳолатларига мувофиқлигини текшириш, гувоҳнинг ҳақиқатга мувофиқ кўрсатмаларини аслича сақлаш, унинг турли сабабларга кўра ўзгартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш тергов ва суд органлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Тергов ва суд амалиётида гувоҳларни у ёки бу шаклда кўндиришга уринишлар, мазкур муаммонинг ҳақиқатни аниқлашда долзарб аҳамиятга эга эканлиги кўрсатади.

Бугунги кунда тергов ва суд амалиётини тадқиқ қилаётган олим ва мутахассислар жиноят процессида гувоҳ кўрсатмаларидан самарали фойдаланишда бир қатор муаммолар кузатилаётганлигини қайд этиб ўтишмоқда. Жумладан, гувоҳларни ўз вақтида сўроқ қилинмаслиги, вақтнинг ўтиши жиноятдан қолган изларга бевосита

таъсир кўрсатиши, гувоҳларнинг эсида қолган ҳодисаларни эсдан чиқиши, жиноятчининг яшириниши, барча хатти-ҳаракатларни ниқоблаши ёхуд жабрланувчи ва гувоҳларга таъсир кўрсатиб, уларнинг берган кўрсатувларидан бош тортишга мажбур қилиниши, шунингдек гувоҳ ва жабрланувчиларни ҳақиқатга зид кўрсатмалар беришга кўндириш жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашда тўсқинликларни келтириб чиқаради³.

Жиноят ишида гувоҳни тергов қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганган олимлардан бири А.Бедрезовнинг таъкидлашича, жиноят ишини тергов қилиш давомида терговчи кўп ҳолатларда айнан гувоҳ томонидан терговга қаршилик кўрсатиш, жумладан қасддан ёлғон кўрсатмалар бериш, гувоҳлик беришдан бош тортиш, гувоҳ сифатида ишга жалб қилинишига қаршилик қилиш каби ҳолатларга дуч келиши мумкин. Бундан ташқари, жиноятчилар кўпинча гувоҳлар ва жабрланувчиларга, уларнинг қариндошларига психологик таъсир кўрсатади, бу эса тергов жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради⁴.

Жиноят процессида ҳақиқатни аниқлашда гувоҳ кўрсатмаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиққан ҳолда, бизнингча дастлабки тергов ва суд босқичларида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, жиноят ишини дастлабки тергов ва суд босқичларида юриетишда жиноят ишига гувоҳ сифатида жалб қилинган шахсга оид маълумотларни батафсилроқ

*Жазолай олмайдиган
судья оқибат-нати-
жада жиноятчининг
шеригига айланади.*

И.ГЁТЕ



аниқлаштириш зарур. Тергов ва суд амалиётида фақат гувоҳнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш ва иш жойи каби умумий маълумотлар аниқланади. Бизнингча, гувоҳнинг жиноят ишидан қай даражада хабардорлиги, унинг психологияси, зехни, хотираси, эслаб қолиш имконияти, идроки каби қўшимча маълумотлар ҳам алоҳида суҳбат асосида аниқлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Иккинчидан, жиноят-процессуал қонунчилигида қайд этилган гувоҳнинг адвокати институтини дастлабки тергов ва суд амалиётида кенгроқ қўлланилишига эришиш лозим. Бу, ўз навбатида, дастлабки тергов ва суд жараёнларида гувоҳни ўзини эркин тутиши, жиноятчи шахс ёхуд бошқа манфаатдор шахслар томонидан у ёки бу даражада тазйиққа учраши мумкинлиги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Бироқ, бугунги кунда тергов ва суд амалиётида гувоҳ адвокати институти бир қатор сабабларга кўра кам қўлланилмоқда, хусусан гувоҳнинг адвокат хизматидан фойдаланиши моддий харажатлар талаб қилиши, гувоҳнинг адвокат хизматидан фойдаланишининг афзалликлари тўғрисида етарли тушунчаларга эга эмаслиги шулар жумласидандир. Бизнингча, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 июндаги 137-сонли “Адвокатлар томонидан давлат ҳисобидан кўрсатилган юридик ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига тегишли қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ. Мазкур қарорга мувофиқ давлат томонидан юридик ёрдам кўрсатилувчи шахслар сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчилар назарда тутилган. Гувоҳ ва жабрланувчиларнинг адвокат ёрдамидан фойдаланишлари эса, уларнинг адвокат билан юридик ёрдам тўғрисида шартнома тузишларини ва муайян тўловларни амал-

га оширишларини тақозо қилади. Бу эса, гувоҳ ва жабрланувчилар томонидан адвокат хизматидан фойдаланишларида муайян қийинчиликлар келтириб чиқариши мумкин. Шу сабабли, қайд этиб ўтилган Вазирлар Маҳкамаси қарорига адвокатлар томонидан гувоҳ ва жабрланувчиларга ҳам давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатилишини киритиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг 5-банди 4-қисмида қайд этилган “...ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлиб, улар жиноят ишига қўшиб қўйилиши, текширилиши ва баҳоланиши шартлиги” масаласини тергов ва суд амалиётида қўлланилишида адвокат томонидан жиноят иши бўйича тақдим қилинган ҳар бир далил юзасидан дастлабки тергов ва суд органларида ёзма шаклда муносабат билдирилиши тартибини амалиётга киритиш лозим.

Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, гувоҳ кўрсатмаларини олиш, расмийлаштириш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, ҳуқуқий ҳимоя қилишда қайд этиб ўтилган масалаларнинг инобатга олиниши ўзининг ижобий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т.:“Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. Т-1. Б-514.
2. Дастлабки тергов: ИИВ Академияси учун дарслик: қайта ишланган ва тўлдирилган учинчи нашр / А.Х.Раҳмонқулов, Д.М.Миразов, А.О.Шарофутдинов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – Б.-137.
3. Криминалистика: Дарслик / Т.Б.Маматқулов, И.Астанов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б.-223.
4. Бедрезов А.Г. Личность свидетеля как объект криминалистического исследование / Автореферат: диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Калининград.-2020. Стр.-4.



Раҳимжон ОБИДОВ,
Тошкент давлат
юримдик университети
ўқитувчиси

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА СУД ТЕРГОВИ ҲТКАЗИЛИШИНИНГ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ

Жиноят ишини суд мажлисида кўрилишида, муҳокама қилиш чоғида, қонунчилигимизда белгилаб қўйилган тартибда суд терговининг ўтказилиши тартиб қоидалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 52-бобида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, суд терговининг бошланишида аввало раислик қилувчи суд терговининг бошланиши тўғрисида эълон қилади ва суд терговининг айблов ҳулосасининг ҳулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни давлат айбловчиси томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланади.

Сўнгра раислик қилувчи судланувчидан айбловнинг моҳияти унга тушунарли ёки тушунарсиз эканлигини ва ўз айбига иқдорлиги ёки иқдор эмаслигини сўрайди, далилларни текшириш навбати тўғрисида тарафларнинг таклифларини эшитади. Башарти, далилларни текшириш судланувчиларни сўроқ қилиш билан бошланган бўлса, улардан кейин суд жабрланувчиларни сўроқ қилади. Судланувчилар кўрсатув беришдан бош тортган ёки бошқа далилларнинг текширилишидан олдин кўрсатув беришга рози бўлмаган тақдирда жабрланувчиларни, гувоҳларни сўроқ қилиш, далилларни кўздан кечириш, гувоҳлантириш, ёзма далилларни ўқиб эшиттириш, экспертиза ўтказиш ва бошқа суд ҳаракатларини бажариш навбати тўғрисидаги масалани суд ишнинг муайян ҳолатларини ва тарафларнинг таклифларини инobatга олган ҳолда ҳал қилади.

Суд терговининг гувоҳни сўроқ қилишдан олдин раислик қилувчи унинг шахсини аниқлайди ва кўрсатув беришдан бош тортганлик ёки била туриб ёлғон кўрсатув берганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантиради ҳамда гувоҳга барчанинг олдида ошкора равишда қасамёд қилишни таклиф этади, сўнгра гувоҳдан унинг мажбурияти ва жавобгарлиги тушунтирилгани ҳақидаги тилхат олинади. Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳга ҳам ошкора қасамёд қилиш таклиф қилинади, лекин кўрсатув беришдан бош тортгани ёки била туриб ёлғон кўрсатув бергани учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди ва ундан тилхат олинмайди. Судланувчининг яқин қариндошларини гувоҳ сифатида сўроқ қилиш тартиби ўзгача бўлиб, улар фақатгина рози бўлсаларгина гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари мумкин. Судланувчининг яқин қариндошлари фақат ёлғон гувоҳлик берганлик учун жиноий жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилдилар. Улар кўрсатув беришдан бош тортганлик

учун жавобгарликка тортилишлари мумкин эмас, шу сабабли улар бундай жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилмайдилар.

Суд терговининг сўроқ қилиш суд муҳокамаси юритилаётган жойда амалга оширилади, сўроқ қилиш олдиндан сўроқ қилинувчининг шахси, қайси тилда кўрсатув бера олиши аниқланади, шунингдек унга ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади ҳамда ишнинг ҳолатлари тўғрисида эркин сўзлаб бериш таклиф қилинади. Қўйилган жавобга ишора қилувчи саволлар беришга йўл қўйилмайди. Бундан ташқари, сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари рақамлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ жараёнида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин. Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшиттиришга руҳсат этилиши мумкин. Суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин.

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатувлари тингланиб, қайд қилинганидан кейин қуйидаги ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин:

- ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар бўлганда;
- сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда;
- иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқилаётганда.

Сўроқ жараёнида суд, шунингдек суд муҳокамасида тарафлар ишга қўшиб қўйилган ёки

тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин. Сўроқ жараёни ва натижалари суд мажлиси баённомасида қайд қилинади. Сўроқ жараёнида баённома юритиш билан бир қаторда овозни ёзиб олиш, видеоёзув ва кинотасвирга олиш ҳам қўлланилиши мумкин. Сўроқ қилинувчи ёки тарафларнинг илтимосига кўра суд мажлисида баённомага имзо қўйилгунига қадар ёзилган овоз, видеоёзув ёки кинотасвир намойиш қилиниши мумкин. Улар билан баённома ўртасида жиддий тафовут бўлган ҳолларда, тафовут сабабини аниқлаш учун янгитдан сўроқ қилиниши мумкин. Сўроқ қилишда таржимон қатнашаётган бўлса, у сўроқ қилинаётган шахснинг баённомадаги кўрсатувини унга оғзаки таржима қилади, сўроқ қилинувчининг ўз қўли билан ёзиб берган кўрсатувларини эса, ёзма равишда таржима қилади. Сўроқнинг умумий давом этиш вақти бир кунда саккиз соатдан ошмаслиги лозим. Дам олиш ва овқатланиш учун бериладиган бир соат танаффус бу ҳисобга кирмайди.



Суд терговидида қўшимча сўроқ ўтказилиши ҳам мумкин:

Агарда:

- сўроқ қилинувчи ишнинг ўзига маълум бўлган барча ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бера олиши учун сўроқнинг умумий давом этиш вақти етарли бўлмаса;
- сўроқ қилинган шахс илгари берган кўрсатувларини тўлдириш ёки ўзгартириш истagini билдирса;
- илгари сўроқ қилинган шахсга берилиши керак бўлган иш учун муҳим янги саволлар туғилса;
- шахс сўроқ қилинганидан кейин ишга қиринган захирадаги халқ маслаҳатчиси ушбу шахсни янгитдан сўроқ қилишни талаб қилса.

Ҳар бир гувоҳ ҳали сўроқ қилинмаган гувоҳлар йўқлигида сўроқ қилинади. Сўроқ қилинган гувоҳлар суд мажлиси залида қоладилар ва суд тергови тамом бўлмасдан илгари залдан фақат суднинг ижозати билан чиқиб кетишлари мумкин. Вояга етмаган гувоҳни сўроқ қилиш ҳақиқатни аниқлаш манфаатлари талаб қилган ҳолларда суднинг ажрими билан судланувчининг йўқлигида ўтказилиши мумкин. Судланувчи суд мажлиси залига қайтиб киргандан кейин гувоҳнинг берган кўрсатувлари унга маълум қилиниши ҳамда шу гувоҳга саволлар беришга имконият яратилиши лозим. Ўн олти ёшга тўлмаган гувоҳ сўроқ қилиниб бўлгач, суд бу гувоҳнинг мажлис залида қолиши зарур деб ҳисоблайдиган ҳолларни мустасно этганда, суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши лозим. Жабрланувчи, шунингдек эксперт ва мутахассис суд муҳокамасининг бошидан охиригача

суд мажлиси залида бўлишга ва барча сўроқлар чоғида ҳозир бўлишга ҳақлидир.

Судланувчини сўроқ қилиш ишнинг унга маълум ҳолатлари тўғрисида кўрсатув бериши ҳақида раислик қилувчининг таклифи билан бошланади. Шундан кейин судланувчини давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили сўроқ қиладилар. Сўнгра судланувчига бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари саволлар бериши мумкин. Жабрланувчиларни, шунингдек айблов хулосасига илова қилинган рўйхатга биноан суд мажлисида чақирилган ёки айбловчи томоннинг илтимосига биноан қўшимча равишда чақирилган гувоҳлар ва экспертларни сўроқ қилиш ҳам ўтказилиши мумкин. Башарти, гувоҳлар ва экспертлар суд мажлисида ҳимоя томонининг илтимосига биноан чақирилган бўлсалар, уларни дастлаб шу илтимосни қилган судланувчи ёки унинг ҳимоячиси, кейин эса бошқа судланувчилар ва уларнинг ҳимоячилари, жамоат ҳимоячиси, фуқаровий жавобгар ва унинг вакили, давлат айбловчиси, жамоат айбловчиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ва уларнинг вакиллари сўроқ қиладилар. Раислик қилувчи ва халқ маслаҳатчилари сўроқ қилинаётган ҳар қандай шахсга суд терговининг исталган пайтида саволлар беришга ҳақлидир. Суд мажлисида кўрсатув бериб бўлган шахсларга берган кўрсатувларини тўлдириш ва аниқликлар киритиш учун суднинг ижозати билан саволлар берилиши мумкин.

Тарафларнинг илтимосларига ёки суднинг ташаббусига кўра раислик қилувчи, халқ маслаҳатчиларидан бири ёки судья ёрдамчиси суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшиб қўйилган, иш учун аҳамиятли бўлиши эҳтимол тутилган ёзма далиллари, экспертларнинг хулосаларини ва тергов ҳаракатлари баённомаларини ўқиб эшиттиради.

Суднинг талабига кўра ёки бошқа шахсларнинг ташаббуслари билан тақдим қилинган ҳужжатларни суд ўқиб эшиттиради ва тарафларга тақдим қи-

лади, улар эса шу ҳужжатларнинг ишга аҳамияти бор-йўқлиги тўғрисида ўз фикрларини баён қиладилар. Сўнгра суд ҳужжатларни ишга қўшиш ёки тегишлилигига қараб қайтариш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд суриштирувда ва дастлабки терговда ишга қўшилган ашёвий далилларни, шунингдек тарафлар ва бошқа шахслар бевосита суд муҳокама-масида тақдим этган нарсаларни суд мажлиси залида тарафларнинг иштирокида кўздан кечирилади, кўздан кечиришни ўтказишга экспертларни, мутахассисларни, гувоҳларни ҳам жалб этиши мумкин ҳамда жой, бинолар, иншоотлар, хоналарни, шунингдек суд мажлиси залига келтириб бўлмайдиган транспорт воситалари ва бошқа объектларни улар турган жойга бориб тарафлар, экспертларни, мутахассисларни, гувоҳлар иштирокида кўздан кечирилади.


Суд терговда гувоҳлантиришни суд белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда ўтказилади. Гувоҳлантириш ечинтириб яланғочлаш билан боғлиқ бўлса, алоҳида хонада шифокор ёки бошқа мутахассис томонидан, гувоҳлантирилаётган шахснинг жинсидаги холислар иштирокида ўтказилади. Гувоҳлантириш ўтказиб бўлинганидан сўнг процесснинг мазкур иштирокчилари суд мажлиси залига қайтиб кирадилар ва у ерда тарафларнинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва холисларнинг иштирокида шифокор ёки бошқа мутахассис гувоҳлантирилган шахснинг баданида излар ёки белгилар аниқланган бўлса, шу хусусда ахборот беради ҳамда тарафларнинг, судьяларнинг саволларига жавоб беради. Бу маълумотлар, шунингдек гувоҳлантирилган шахснинг ҳамда холисларнинг мулоҳаза ва тушунтиришлари суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади ва улар шифокорнинг, бошқа мутахассиснинг, гувоҳлантирилган шахснинг ва холисларнинг имзолари билан тасдиқланади.

Суд терговда экспертиза белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда тайинланади ва ўтказилади. Суд мажлисида экспертизани илгари дастлабки терговда хулоса берган экспертлар ёки суд

тайинлаган янги экспертлар ёхуд ҳам илгариги, ҳам кейин тайинланган экспертлар биргаликда ўтказилади. Тарафлардан бирортасининг илтимоси бўйича ёки ўз ташаббуси билан суд экспертиза тайинлаш тўғрисида ажрим чиқаради ва уни суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Ажримда экспертиза ўтказиш топширилган шахс ёки экспертиза муассасаси кўрсатилади ва эксперт олдида саволлар қўйилади. Бунда суд тарафларга уларнинг эксперт-ни рад этиш, тараф кўрсатган қўшимча шахсни экспертлар сафига киритиш, эксперт олдида қўшимча саволлар қўйиш, экспертизани тарафларнинг иштирокида ўтказиш тўғрисида илтимослар қилиш, шунингдек экспертиза давомида изоҳ бериб бориш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтиради. Илтимослар ёки экспертни рад қилиш тўғрисидаги арзларни суд белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳолда кўриб чиқади. Суд терговда эксперт сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга, ёзма далиллар, тергов ҳаракатларининг баённомалари, бошқа экспертларнинг хулосалари билан танишишга, кўздан кечиришлар, экспериментларда ва экспертиза предметига оид суднинг бошқа ҳаракатларида иштирок этишга ҳақлидир. Суд тергови давомида экспертнинг олдида қўшимча саволлар ҳам қўйилиши мумкин. Экспертиза предметига оид ҳолатлар текшируви тугаллангач, суд хулоса тайёрлаш учун экспертга муҳлат беради. Башарти, бунинг учун лаборатория тадқиқотлари ўтказиш лозим бўлса, суд экспертга тегишли объектларни беради. Эксперт ўз хулосасини суд мажлисида ўқиб эшиттиради. Хулоса суд мажлисининг баённомасига илова қилинади. Эксперт хулоса берганидан сўнг, хулосада баён қилинган ҳолатлар бўйича у суд мажлисида сўроқ қилиниши мумкин.

Суд терговда таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ва эксперт текшируви учун намуналар олиш белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилади. Тарафлар шу суд ҳаракатлари муносабати билан илтимослар қилишга ва ўз мулоҳазаларини билдиришга ҳақлидирлар. Суд ушбу ҳаракатларни ўтказишда кўмаклашишни суриштирув органининг бошлиғи ёки терговчидан талаб қилишга ҳақлидир. Таниб олиш учун кўрсатиш, эксперимент ўтказиш ҳамда намуналар олиш жараёни ва натижалари, шунингдек мазкур суд ҳаракатларининг юритилиши муносабати билан билдирилган илтимослар, мулоҳазалар ва тушунтиришлар суд мажлисининг баённомасида қайд қилинади.

Барча далиллар текшириб чиқилганидан кейин раислик қилувчи тарафлардан улар суд терговини тўлдирмоқчиларми ва тўлдирмоқчи бўлсалар, нима билан тўлдирмоқчи эканликларини сўрайди. Агар, бу ҳақда илтимос қилинса, суд уни муҳокама қиладди ва ҳал этади. Илтимосларни қаноатлантириш учун зарур бўлган қўшимча ҳаракатлар бажарилганидан сўнг раислик қилувчи суд терговини тамом бўлганлиги ҳақида эълон қиладди.



ҲАҚИҚАТ БАРИБИР ҲАҚИҚАТЛИГИЧА ҚОЛАДИ

Кичик қишлоқларнинг бирида заргар яшар эди. Унинг иши сифатли, буюмлари ва топиши яхши эди.

Кунларнинг бирида унинг олдига бир чол келиб:

- Сен бу меҳнатинг орқали яхши топасан, лекин фақир муҳтожларга ҳеч ҳам хайр-эҳсон қилмайсан. Ана у қассобдан ўрناق олсанг бўлмайди-ми, қассоб оз топса ҳам, деярли ҳар куни фақирларга гўшт тарқатади, — дебди.

Заргар чолга қараб жилмайибди-ю, лекин индамабди, шунда чол жавоб олмагач заргар ёнидан газабланиб чиқиб кетибди.

Бу воқеадан кейин қишлоқда "Заргар яхши пул топади, бойвачча,

лекин хасис", деган гап тарқалди ва қишлоқдагилар заргарни ёмон кўра бошладилар.

Кунларнинг бирида заргар хасталаниб, оламдан кўз юмибди. Кўп ҳам ўтмай, одамлар қассоб гўшт тарқатмай кўйганини пайқадилар ва қассоб ёнига келиб, ундан нега олдингидек гўшт тарқатмаётганини сўрашди. Шунда қассоб:

— Мен тарқатаётган гўшtlарнинг ҳомийси бор эди. Ул киши кун-ора менга пул жўнатиб, "Қийналган оилаларга менинг ҳисобимдан гўштни бепул беринг" деб ёзиб юборарди. Энди эса ундай ҳомий йўқ, оламдан ўтиб кетди. Мен эса ўз ёнимдан бунчалар катта миқдорда хайрия қилолмайман, — деб жавоб берибди...



ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

Баъзида тадбиркорларнинг ҳақиқа кўз олайтирувчи, қонунларимизни ҳурмат қилмасдан, уларни ривожланишига ҳалақит берувчи, фаолиятига асоссиз равишда аралашши ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Мисол учун Урганч тумани “Беговат чорва маҳсулоти” фермер хўжалиги туманнинг “Чоткўпир” қишлоғида фойдаланмасдан, бўш турган биноларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича тайёрланган лойиҳага асосан 2017 йил апрель ойидан бошлаб ўз маблағи ҳисобидан 400 миллион сўм ва банк ресурси ҳисобига 600 миллион сўм инвестиция киришиб, 26 та янги иш ўрни яратган ҳолда тошни қайта ишлаш фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган¹. Аммо мансабдор шахсларнинг фермер хўжалиги фаолиятига қонунга зид ҳолда аралашши оқибатида тадбиркорнинг ишлари тўхтаб қолган. Натижада вилоят прокуратурасининг аралашши билан фермернинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланган. Зеро, “Фермер хўжалиги” тўғрисидаги қонуннинг 22-моддаси учинчи қисмида фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмаслиги² белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг “Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари”да фермер хўжаликлари, энг аввало, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бир қаторда, қайта ишлаш, тайёрлаш, сақлаш, сотиш, қурилиш ишлари ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланаётган кўп тармоқли фермер хўжаликларини рағбатлантириш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш юзасидан республикамизда ислохотлар босқичма-босқич олиб борилаётгани, фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солидиган қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, қолаверса уларнинг ижроси таъминланаётган бўлишига қарамай, ўз ечимини қутаётган муаммолар мавжудлиги ҳам айни ҳақиқатдир.

Уларга қуйидаги муаммоларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, қишлоқ хўжалиги соҳасида фермерларнинг билими етарли даражада эмаслиги;

иккинчидан, замон талабларига жавоб берадиган илғор замонавий техникалардан фойдаланиш билимининг пастлиги;

учинчидан, қонун ва қонуности ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотларга тўлиқ эга эмаслиги;

тўртинчидан, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси ҳақида етарли маълумотларга эга эмаслиги;

бешинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда, соҳага доир илмий тадқиқот институтлари билан мунтазам ҳамкорликни олиб бормаганлигини қайд этиш мумкин.

Фикримизча, соҳадаги фермер хўжаликлари билан боғлиқ муаммолар ечимини топишда энг маъқул йўл – бу мавжуд тажрибаларга таянган ҳолда, хорижий давлатлар билан мунтазам равишда тажриба алмашиш, фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича доимий равишда ўқишларни ташкил этиш, улар ўртасида сўровномалар ўтказиш, шунингдек уларни ривожланган хорижий мамлакатларда тажриба орттиришларини ташкил қилиш, муаммолар ечимини илмий жиҳатдан асослаш ва амалиётга татбиқ этиш ҳамда соҳага доир қонунларни такомиллаштириб боришдир. Тўғри, юқоридаги муаммоларнинг ечимини топишда бу каби фикрлар соддароқ туйилиши мумкин, лекин фермерлар фаолияти давомида тадбирли бўлиши билан, ўз навбатида, ушбу соҳани тартибга солувчи қонунларни ўрганиши, ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши шу билан бирга ҳуқуқ нормаларини яратишда қатнашишини бугунги давр талаби деб билиши лозим.

Республикамизга нисбатан унча катта бўлмаган Нидерландияда меҳнатга яроқли аҳолининг бор-йўғи 4 фоизи қишлоқ хўжалигида банд бўлиб, ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалик маҳсулоти ўз ички эҳтиёжларини тўла қондиришдан ташқари ҳар йили тахминан 35 миллиард АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилади.

Фермер хўжаликлари билан боғлиқ шартномавий муносабатларда низони судгача ҳал этиш тартибини жорий этиш лозим. Чунки, низони суд тартибида ҳал этишда давлат божи, почта ва бошқа суд харажатлари жавобгар зиммасига юкланиши мумкин. Бу хўжаликларнинг молиявий аҳволига салбий таъсир ўтказиши³.

Кундалик ҳаётимизда тадбиркорлар, фермер хўжаликлари қонунда белгиланган ҳуқуқларидан тўла-туқис фойдаланмайди. Ваҳоланки, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 16-моддаси фермер хўжалигининг ҳуқуқлари деб номланиб, ўз

хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш назарда тутилган. Аммо, олиб борилган таҳлиллар, қолаверса, оммавий ахборот воситалари орқали берилаётган маълумотларга кўра, республикада фаолият олиб бораётган тадбиркорлар, фермер хўжаликлари қонунда белгиланган ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилмасликлари ёки судларга мурожаат қилмасликлари амалиётда кам бўлсада учраб туради. Уларга қуйидаги сабабларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигининг етарли даражада эмаслиги ёки настлиги;

иккинчидан, юридик хизмат кўрсатиш яъни ҳуқуқий маслаҳатлар талаб даражасида йўлга қўйилмаганлиги;

учинчидан, жойларда маҳаллий ҳокимият вакиллари томонидан бюрократик тўсиқларнинг кўйилиши;

тўртинчидан, жойларда уларга хизмат кўрсатаётган ташкилотлар билан муносабатларни бузмасликка ҳаракат қилишлари;

бешинчидан, хўжалик шартномаларини расмийлаштиришда масъулиятсизлик қилиши;

олтинчидан, иқтисодий судларнинг вазифаси ва қонунда белгиланган ваколатлари тўғрисида етарли даражада тушунчага эга эмаслиги;

еттинчидан, қабул қилинган суд қарорларининг ижросини таъминлашига ҳадик билан қарашларини айтиб ўтиш ўринлидир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг мажбуриятлари ушбу қонуннинг 17-моддасида белгиланган бўлсада, фермерлар томонидан риоя этилиши ва бажарилиши лозим бўлган қоидаларга амал қилмаслик ҳолатларини кўриш мумкин. М.Э.Абдусаломов тўғри таъкидлаб ўтганидек, “амалиётда номигагина шартнома тузиб, унда ўзи ҳақидаги тегишли маълумотларни кўрсатмасдан, ўз зиммасига юклатилган шартномавий мажбуриятини бажармасдан, қочиб юрган, яъни шартнома ва тўлов интизомини бузаётган тадбиркорлар ҳам учраб туради”⁴.

Фермер хўжалиklarининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни такомиллаштириш бугунги кунда давр талабидир. “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасининг биринчи қисмида, давлат фермер хўжалиklarининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди⁵ деб белгилаб қўйилганлигини ўзи муҳим аҳамият касб этади. Мисол учун Тўрақўрғон туманидаги “Мўл ҳосил” фермер хўжалиги ва “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ўртасида 2013 йил 2 декабрда 1-сонли юк ташиш шартномаси тузилган. Шартномага асосан фермер хўжалиги томонидан 42 792 516 сўмлик ишлар бажарилган. Бироқ, жавобгар — “Тўрақўрғон пахта тозалаш” акциядорлик жамияти томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмасдан, ташилган юклар учун тўловлар амалга оширилмаган. Натижада жавобгарнинг 42 792 516 сўм миқдоридagi қарздорлиги вужудга келган,



бу иш ҳужжатларда мавжуд бўлган ҳисоб-фактура ҳамда тарафлар ўртасида тузилган солиштирма далолатнома асосида ўз тасдиғини топган. Суднинг 2017 йил 23 майдаги ҳал қилув қарори билан даъво тўлиқ қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 42 792 516 сўм қарздорлик ундириб берилган⁶. Шунингдек, Қўнғирот туманидаги 23 та фермер хўжалиги билан “Қўнғирот ун заводи” акционерлик жамияти ўртасида маҳсулот етказиб бериш бўйича тузилган шартномани ўз вақтида бажармагани учун жавобгардан 138 миллион 680 минг сўм қарзни ундириш ҳақида аризалар киритилди. Мазкур даъво суд томонидан тўлиқ қаноатлантирилди⁷. Қайд этиш керакки, иккинчи тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузса ёки Фуқаролик кодекси, амалдаги қонунлар ва шартномада назарда тутилган ҳоллардан келиб чиқиб, шартнома тарафларидан бирининг талаби билан суд томонидан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳам мумкин. Ишончимиз комилки, бу каби низоларни суд томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши, республикада фермер хўжалиklarининг ривожланишига, истиқболига хизмат қилади. Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўришимиз мумкинки, фермер хўжалиklarи томонидан шартномадаги шартлар бажарилган бўлсада, бажарилган ишлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган. Натижада бажарилган ишлар юзасидан тўловлар, шунингдек суд билан боғлиқ барча харажатлар жавобгардан ундирилиб, унинг молиявий аҳволига жиддий таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам шартнома интизомига риоя этиш бу тадбиркорлик фаолиятининг муҳим талабларидан бири эканлигини ҳар бир шартномада иштирок этаётган фермер ва тадбиркорлар ҳис этиши лозим.

Хусниддин ДАМИНОВ,

Судьялар олий мактаби докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Хотамов. Тадбиркорлик фаолияти қонун ҳимоясида. “Нуқуқ ва бurch”. №3 /2018. 18-6.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фермер хўжалиги тўғрисида”(янги таҳрир). 2004 йил 26 август. 662-//сон.
3. Х.Азизов. Фермерлик ҳаракатининг истиқболи //O‘zbekiston Respublikasi Oliy xo‘jalik sudi AXBOROTNOMASI. 2013. №8.34-6.
4. М.Э. Абдусаломов. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари. Юрид. фан. номз...дис.-Тошкент, 2003, 64-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фермер хўжалиги тўғрисида”(янги таҳрир). 2004 йил 26 август. 662-//сон.
6. А.Дадабаев. Мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари. Одил судлов. 2018. №3. 50-6.
7. И.Полвонов. Тадбиркорлик-иқтисодиёт таянчи. Нуқуқ ва бurch.2016.№2. 4-6.



Дониёр АЗИМОВ,
Судьялар олий
мактаби
тингловчиси

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИГИДА КЕЛИШУВ ИНСТИТУТИНИ ТАТБИҚ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Процессуал келишувнинг учта тури мавжуд бўлиб, булар: айбига иқрор бўлиш тўғрисида келишув, ҳамкорлик тўғрисида келишув ҳамда томонларнинг ярашувидир¹. Процессуал келишув – жиноят-процессуал шаклнинг бир тури. Бу процесс иштирокчиларининг ЖПК нормалари билан тартибга солинадиган, ўз позицияларини мувофиқлаштириш орқали ҳуқуқий аҳамиятга эга натижани олишга қаратилган фаолият. Келишув тушунчаси ва таснифи иккита асосий хусусиятга асосланади.

Биринчидан, келишув фақат жараён иштирокчилари ўртасида бўлиши мумкин. Уларнинг процессуал мустақиллиги даражаси бошқача бўлиши мумкин, аммо қонун ҳатти-ҳаракат вариантини танлашда ва эркинликни кафолатлашда ҳуқуқ субъектининг маълум бир минимал иродасини бевосита қабул қилиши ёки назарда тутиши керак. Иккинчидан, қонун субъектларнинг хоши-иродасини мувофиқлаштириш зарурлигини бевосита белгилайди. Розилик бериш шакли, келишмовчилик (эътироз) билдириш усуллари, тасдиқлаш механизми ҳар хил бўлиши мумкин. Лекин, келишиш процедурасининг ўзи жиноят-процессуал қонунчилигида мустақамланган бўлиши керак². Айбига иқрорлик тўғрисида келишув эса, жиноят процессининг исталган босқичида ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолатларда прокурор ҳамда гумонланувчи, айбланувчи, ёки судланувчи ўртасида тузиладиган келишувдир.

Процессуал келишувнинг моҳиятини айбланувчининг айбига нисбатан муносабатига боғлиқлиги, яъни дифференциал ёндашув ташкил этади. Ўзбекистон қонунчилигида ярашув тўғрисидаги ишларни юритишни процессуал келишувнинг миллий шакли сифатида баҳолаш мумкин. Бироқ унинг Жиноят кодекси 66¹-моддасида санаб ўтилган жиноятлар билан чекланганлиги, процессуал жиҳатдан мукамал эмаслиги, уни тўлақонли процессуал келишув деб аташ имконини бермайди. Процессуал келишув институти аслида англо-саксон ҳуқуқ тизими “маҳсулоти” эканлиги, унинг эволюцияси ва континентал ҳуқуқ тизимидаги шаклларини ўрганиш, қиёсий таҳлил унинг ҳуқуқий табиатини тўлароқ намоён қилади.

Дунёда мазкур институтнинг АҚШ тажрибаси яъни “plea bargaining” машҳур бўлиб³, ишни судга қадар юритиш босқичида прокурор айбловнинг баъзи эпизодларидан ёки квалификация қилувчи белгиларидан воз кечади, айбланувчи эса айбига иқрор бўлади, эвазига енгилроқ жазо олади. Бошқача айтганда, ҳукм ишни кўриш натижаси эмас, тарафлар ўртасидаги келишувнинг натижаси бўлади. Мазкур институт АҚШда XIX асрда пайдо бўлиб, амалда қўлланиб келган бўлсада, 1960 йиллардагина Олий суд мазкур институтни Конституцияга мослигини тан олган. Бугунги кунда мазкур институт АҚШ жиноят-процессуал тизимининг рам-

зий белгиси ҳисобланиб, 97 фоиз ишлар мазкур тартибда кўриб чиқилади. Натижада, классик шаклдаги жиноят процесси жуда кам ҳолда учрайди. Охириги вақтларда мазкур тенденция танқид қилинмоқда⁴.

АҚШда келишувнинг қуйидаги турлари ажратилади:

regularly guilty plea (оддий шакл) Айблов ҳукми чиқади. Айбланувчи ҳукмга шикоят келтириш ҳуқуқини йўқотлади, шунингдек фуқаролик тартибида берилган даъво ни тан олади (процессуал хатолардан ташқари).

no contendere plea ёки no contest plea (“иқрор эмасман, лекин розиман”). Айбига иқрор бўлмайди, лекин жазога розилиги айбига иқрорликка тенглаштирилади. Шикоят бериш шу жумладан, фуқаровий даъво бўйича низолашиш ҳуқуқини сақлаб қолади⁵.

“Айбига иқрорлик ҳақида келишув”ни континентал тизимда қўлланишининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- АҚШда “айбига иқрорлик ҳақида келишув”ни қўллаш жиноятларни муайян тури ёки оғирлик даражаси билан чекланмаган ва истисносиз қўлланиши мумкин, континентал тизимда асосан муайян тоифадаги унча оғир бўлмаган жиноятлар билан чекланган;

- континентал тизимда “айбига иқрорлик ҳақида келишув” тасдиқланишидан аввал дастлабки тергов мажбурий бўлиб, ишни судга қадар юритувчи органларни иш ҳолатларини аниқлаш мажбуриятидан халос қилмайди, натижада судда айбига иқрорликни мавжуд далиллар билан солиштиради, фақатгина суд терговни ўтказилмайди. АҚШда эса прокурор судга фақат келишувни тақдим этиши етарли.

Натижада континентал тизимда исботлашдан тўлиқ воз кечилмайди, фақатгина далилларни судда текширишдан, яъни суд терговидан воз кечилади.

МДҲ давлатлари тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Россия Федерацияси ЖПКнинг 40-бобида ҳам алоҳида тартибда процессуал келишув асосида иш юритиш киритилган. Унга кўра, алоҳида тартибда иш юритиш айбланувчининг процессуал ҳуқуқи бўлиб, мазкур тартиб-

ни айбланувчи айбига иқрор бўлган ва судга алоҳида тартибда ишни кўриш ҳақида ариза берган ҳолларда қўллаш мумкин бўлади. Айбловга розилик, қилмишнинг фактик ҳолатлари, айб шакли, мотиви, квалификация, етказилган зарар ҳажми ва миқдорига розиликни англатади. Бироқ, кейинчалик ЖПКда кўзда тутилмаган бўлсада, РФ Олий суди томонидан вояга етмаганларга нисбатан мазкур институт қўлланмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Россия Федерациясида ишни ЖПКнинг 40-бобида белгиланган тартибда кўриб чиқишнинг 5 та шarti кўзда тутилган бўлиб, объектив шартлар вояга етган шахслар томонидан содир этилган, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш кўзда тутилган ишларга нисбатан қўлланиши, давлат айбловчиси ва жабрланувчининг, хусусий айблов ҳақида ишлар бўйича хусусий айбловчининг розилиги, айбланувчининг илтимоснома киритилгунга қадар ҳимоячиси билан маслаҳатлашуви, шунингдек илтимоснома киритилишида ҳимоячининг қатнашувидан, субъектив шартлар айбга ихтиёрий иқрорлик ва илтимосноманинг ихтиёрийлиги, айбланувчининг илтимоснома мазмуни ва оқибатларини тўлиқ англаб етишини назарда тутати. Юқоридаги барча шартлар мавжуд бўлгандагина суд ишни алоҳида тартибда кўриб чиқиши мумкин бўлиб, улардан лоақал биттаси мавжуд бўлмаганида ҳам иш умумий тартибда кўриб чиқилади.

Мазкур тоифадаги ишлар бўйича ҳимоячининг иштироки мажбурий бўлиб, шунинг билан бирга, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши суд учун мажбурий эмас. Агар суд ҳимоячидан воз кечиш ҳақида илтимосномани қаноатлантирса, иш алоҳида тартибда кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Кўп йиллар мобайнида айбига иқрорлик исботлаш предмети доирасини торайтириш, дастлабки тергов ва суд терговини қисқартиришга асос бўлмаслиги умум эътироф этилган. ЖПК⁶ 113-моддасига кўра, гумон қилинувчи ва айбланувчининг берган кўрсатувлари билан аниқланган ҳолатлар, айбланувчи ўз айбига иқрор бўлган тақдирда ҳам, ўзининг айбдор эканлигини инкор қилган тақдирда ҳам ишнинг ҳамма ҳолатлари билан боғланган ҳолда бошқа далиллар каби текшириб чиқилиши ва баҳолаши лозим. Яъни, иқрорлик ишни муҳокама қилиш предметини чеклаш учун мезон бўлмайди. Бу албатта иқрорликни нотўғри баҳолаш хавфи катталиги билан боғлиқ. Бироқ ҳозирги кунда замонвий процессуал қодаларнинг жорий этилиши, хорижий давлатлар тажрибаси мазкур институтнинг самарали эканлигини кўрсатмоқда.

Истиқболда Ўзбекистон қонунчилигида процессуал келишув тушунчасига аниқ таъриф ишлаб чиқиш, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича айбга иқрор бўлиш тўғрисидаги битим шаклида, унча оғир бўлмаган, оғир ҳамда бир неча шахс, бир гуруҳ, уюшган гуруҳ томонидан содир этилган ўта оғир жиноятлар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим шаклида процессуал келишув турларини таснифлаш таклиф этилади. Қозғистоннинг бу соҳадаги қонунчилигида процессуал келишувнинг мазкур икки тури, тузиш тартиб-таомиллари аниқ келтирилган бўлиб, мазкур институт самарали қўлланилмоқда. Шунингдек, миллий қонунчилигимизда процессуал кели-

шув институтини жорий этиш билан бирга унинг тузиш асосларини аниқ белгилаш суиистеъмолликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Айрим процессуал олимларнинг фикрича, процессуал келишув институтида процесснинг принциплари, жумладан тортишув принципини амалга оширилмаслиги процессуал қонунчиликни жиддий бузилишларига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, келгусида жиноят процессуал қонунчилигида процесснинг тўлиқ ҳамда самарали амалга оширилишида процессуал келишув тузишнинг аниқ механизмини ёритиш керак. Хусусан бунда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи вояга етган ва ўз ҳаракатларининг моҳияти ҳамда ўзи томонидан берилган илтимосноманинг оқибатини англаб етган бўлиши, шу билан бирга илтимоснома ихтиёрий равишда берилган бўлиши, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи тергов органи томонидан қўйилган айбловни, иш бўйича мавжуд бўлган далиллар ҳамда етказилган зарар хусусияти ва миқдорини инкор этмаслиги каби шартлар белгиланиши лозим. Айни пайтда, процессуал келишув тузишни инкор этадиган ҳолатлар сифатида гумон қилинувчи, айбланувчи вояга етмаган ёки жиноят вояга етмаганлар иштирокида содир этилганлиги, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун асослар мавжуд бўлган ҳолатларда бу турдаги келишув тузиш мумкин эмаслиги белгиланиши лозим.

Юқоридагиларга асосан таъкидлаш жоизки, мазкур институтни татбиқ этиш ишларни тез ва соддалаштирилган тартибда кўриш имконини беради. Бир қатор олимлар ҳам мазкур институтнинг жиноят-процессуал қонунчилигида жорий этилиши тергов ишини тезлаштирилган тартибда кўриб чиқиш ҳамда суднинг юктамаларини камайитириш⁷, шунингдек жабрланувчига етказилган зарарни интенсив тартибда қоплаш⁸дан иборатдир деган фикрни илгари сурадилар. Бугунги кунда мазкур институт бўйича илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда Ўзбекистонда жорий этиш масалаларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан биридир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.А.Прокопова. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан. Каких целей он достигает? Cyberleninka.ru. 2019.
2. Г.В.Абшилова. Согласительные процедуры в уголовном судопроизводстве Российской Федерации. 2012. <https://www.disserscat.com/content/soglasitelnye-protsedury-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-rossiiskoi-federatsii>.
3. Criminal.findlaw.com.
4. Milton Heurmann. Plea bargaining: The experinces of prosecutors, judges, and Defence Attorneys. University of Chicago Press. 2020. P. 228.
5. Жиноят процессида ишни судга қадар юритиш устидан суд назорати. Монография / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., доцент С.М.Раҳмонова, ю.ф.н. Б.А.Мўминов – Тошкент: Судьялар олий мактаби, 2020. – 168 бет.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. <https://lex.uz/docs/111460>.
7. Юрченко Р. Процессуальное соглашение и законодательное поощрение их заключения. // Зангер. №10. 2014.
8. Меркель И.Д. О новеллах нового уголовно-процессуального законодательства. // Закон и время. 2014. №7. (167)



Гўзал УЗАКОВА,
юримдик фанлар
номзоди, доцент

ЕР НИЗОЛАРИНИ СУДЛАРДА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадиган маъмурий-ҳудудий тузилишга тегишли ер участкаси ҳақидаги келишмовчиликларни ер низоси деб ҳисоблаб бўлмайди. Негаки, чегара билан боғлиқ ҳудудга доир муносабатлар давлат ҳуқуқининг объекти ҳисобланиб, ҳудудни бошқаришга оид ваколатлар эса маъмурий ҳуқуқ орқали тартибга соладиган ҳуқуқий муносабатлардир.

Ер низолари нафақат ер эгаси, фойдаланувчиси ва ижарачилари ўртасида вужудга келади, балки, ер юқоридаги шахслар ҳамда давлат органлари ўртасида ҳам юзага келиши ҳоллари кўп кузатилади. Ушбу низолар кўпинча давлат органларининг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарори (субъектнинг ер участкасини олиб қўйиш тўғрисидаги қарордан, ерни олиб қўйиш муддатлари ва миқдоридан, компенсация шартлари ва ҳажмидан норозилиги) асосида келиб чиқади.

Қонунчиликда белгиланган ер низоларини кўриб чиқиш тартиби ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бунда ер участкасига эгалик қилиш ва фойдаланиш чегаралари тўғрисидаги масалани ерга нисбатан ҳуқуқларни белгилашдан ажратиб кўриб чиқиб бўлмайди. Шунингдек, ер участкасига ва унда жойлашган кўчмас мулкка нисбатан ҳуқуқни белгилаш билан боғлиқ низоларни ҳам алоҳида ажратиб бўлмайди. Нафақат ер ва ундаги ўсимликлар, балки ушбу ер участкасида жойлашган иншоот ва қурилмаларга ҳам тааллуқли бўлган низоларда негатор даъво ер билан боғлиқ хусусият касб этади. Шу боис ҳам бунда махсус процессуал қоидалар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги мувофиқ, ҳар қандай ер низолари билан боғлиқ ҳолатда ҳам тегишли субъектлар ҳуқуқларининг суд тартибида ҳимоя қилиниши таъминланади. Ер участкаси эгаси ва фойдаланувчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси бир хил бўлиб, бу фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги конституциявий принципидан келиб чиқади. Айни дамда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини кафолатлайди, мулкни олиб қўйиш фақат суд орқали бўлиши мумкинлигини белгилайди (53-54-моддалар).

Ер низоларини суд тартибида ҳал қилиш тенденциясининг кенгайиши Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги 17-сонли “Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги, 2018 йил 30 ноябрдаги 34-сонли “Ер кодексини татбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида”ги қарорларининг таҳририй ўзгаришлар билан қабул қилинишига олиб келди.

Таъкидлаш лозимки, ер низоларининг мураккаблиги, ушбу низолар сонининг ўсиши тенденцияси кузатилаётганлиги, ер низоларининг кўп ҳолларда давлат ижро ҳокимияти идоралари қарорлари билан боғлиқлиги ва ернинг табиий ва ҳўжалик-ишлаб чиқариш объекти сифатидаги аҳамияти ушбу низоларни кўриб чиқишда ҳорижий давлатлар тажрибасини ўрганишни тақозо этади.

Фуқароларнинг тоза ва соғлом атроф муҳитга бўлган ҳуқуқи дунё давлатлари конституциясининг учдан бир қисмида кафолатлаб қўйилган бўлиб, ҳозирда ушбу ҳуқуқларни самарали таъминлаш мақсадида 50 дан ортиқ мамлакатларда 350 дан ортиқ ихтисослашган экологик суд ва трибуналлар ташкил этилган. Жумладан, Бразилияда алоҳида экологик судлар, Буюк Британияда ер масалалари бўйича махсус судлар, Германияда қишлоқ ҳўжалик ерлари бўйича ихтисослаштирилган судлар, ХХРда ўрмон ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги ва ерлар бўйича судлар фаолият кўрсатмоқда.

Англияда ХII асрдаёқ “assisa” судлари фаолият кўрсатган бўлиб, унда низоли ер масалалари бўйича гувоҳ сифатида судга ер участкасига даъвогарлик қилаётган шахсларнинг 12 тадан қўшниси таклиф қилинган ва иш улар иштирокида ҳал қилинган¹. Ҳозирда Буюк Британияда ер участкасини мажбурий олиб қўйиш, мажбурий олинган ер участкаси учун компенсация тўлаш масалаларини ҳамда ҳуқуқат ва бошқа органларнинг ер участкаси билан боғлиқ қарорлари устидан шикоятларни кўриб чиқувчи ер трибуналлари ташкил этилган.

АҚШда ерга нисбатан мулк ҳуқуқини белгилаш билан боғлиқ низолар қоида тариқасида умумий судларда кўриб чиқилади. Ижарачиларнинг ер мулкдорлари билан боғлиқ низолари қисман умумий судлар, қисман эса, фермер ҳўжаликлари ёки маҳаллий ҳокимият органлари ҳузурида ташкил этиладиган махсус воситачилар судларида кўрилади. Ер низоларининг маълум қисми Тупроқни муҳофаза қилиш ва ер мелиорацияси округ кўмиталари томонидан кўриб чиқилади².

Германияда қишлоқ ҳўжалик судлари муайян тоифа ишларни кўриб чиқишда судья ва иккита қишлоқ ҳўжалиги соҳаси мутахассислари бўлган суд аъзоларидан иборат таркибда кўриб чиқилади. Фуқаролик ишлари бўйича Олий суд қишлоқ ҳўжалик ишлари бўйича иккинчи инстанция сифатида қатнашаётганида учта судья

ва иккита суд аъзосидан иборат таркибда ишларни кўриб чиқади.

Францияда ер тузиш билан боғлиқ низолар ер тузиш бўйича комиссияларда, ижара муносабатларидан келиб чиқувчи низолар эса ер паритет трибуналарида кўриб чиқилади. Хусусан, Францияда умумий судлар тизимида ихтисослаштирилган ер ижараси бўйича паритет трибунали фаолият кўрсатади. Ушбу тизимнинг ўзига хос хусусияти шундаки, судьялар сифатида ҳуқуқшунослар эмас, балки муайян фаолият соҳасининг мутахассислари жалб қилинган. Мазкур трибунал 1958 йилда тузилган бўлиб, қишлоқ хўжалик ерлари ижарасига оид ишларни кўриб чиқади. Трибунал таркибига беш йиллик муддатга ассессорлар сайланади (2 та ассессор ижарачи ва 2 та ижарага берувчилардан). Ассессор сифатида сайланиш учун шахс камида 5 йил ижарачи ёки ижарага берувчи мақомида бўлиши талаб қилинади. Трибунал даъво қиймати 13 минг франкдан ошмайдиган ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқади. Унинг қарори устидан шикоят қилиб бўлмайди. Башарти, даъво қиймати 13 минг франкдан ошадиган бўлса, шикоят апелляция судининг ижтимоий палатасига берилиши мумкин³.

Бу ҳақда Франция Конституциясининг 6-боби, 214-моддасида мустаҳкамланишича, “Тижорат, ер ва денгиз ишлари бўйича махсус трибуналлар тузилади; улар жойлашиши лозим бўлган жой қонун билан белгиланади. Улар беш юз мириаграмм (бир юз икки центнер ва йигирма икки фунт) буғдойдан ошмайдиган миқдордаги ишлар бўйича якуний қарорлар қабул қилишга ваколатлидир”⁴.

Шотландияда ер трибунали фуқаролик судлари тизимида ташкил этилган бўлиб, уларнинг юрисдикциясига ер билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш киритилган⁵. Трибунал 1949 йилда “Ер трибунали тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниши билан ташкил этилган. Ушбу Қонун билан Англия, Уэльс ва Шимолий Ирландияда ҳам алоҳида ер трибуналлари ташкил этилган⁶.

Шотландия ер трибунали фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагилардан иборат: ер битимлари шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиш; фуқароларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини муҳофаза қилиш; ер участкаси мажбурий олиб қўйилиши ёки жамоатчилик иши туфайли ер участкаси қийматининг йўқотилиши муносабати билан компенсация тўлаш билан боғлиқ низолар; номаиший бинолар рейтингини баҳолаш; Шотландия рўйхатларни сақловчиси хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлар; ернинг баҳоси тўғрисидаги аризалар; Трибунал ҳакам сифатида қатнашадиган бошқа ихтиёрий ишлар.

Шотландия ер трибунали таркиби 1949 йилдаги “Ер трибунали тўғрисида”ги Қонунга биноан раис ва учта аъзодан иборат. Судда шунингдек, адвокат ёки ерни баҳолаш бўйича малакали ходимлар Малакали баҳоловчилар қироллик институтининг шотландиялик раиси билан маслаҳатлашувлардан сўнг Трибунал раиси томонидан тайинланади⁷.

Бунда ер судлари таркибини шакллантиришнинг алоҳида тартибини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ,

Яъни, бунда профессионал судьялар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимият вакили (ер масалалари бўйича мутахассис) ва кадастр қўмитаси вакили (ер битимларини рўйхатга олиш бўйича мутахассис)ни бириктириш ёки уларни эксперт сифатида мажбурий жалб этиш тартибини кўзда тутиш ҳам фойдадан холи бўлмайди⁸. Ер судларининг вазифаси нафақат бузилган ҳуқуқларни тиклаш, балки жабрланувчи томонга етказилган зарарни тўла ҳажмда қоплаш ҳам бўлиши даркор.

Ер низолари судининг ташкил этилиши БМТнинг Европа Иқтисодий Комиссияси томонидан 1998 йил 25 июнда Орхуссда (Дания) қабул қилинган “Атроф муҳитга тааллуқли масалалар бўйича ахборот олиш, қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштироки ва одил судловдан фойдаланиш тўғрисида”ги Конвенцияси талабларига ҳам мутаносибдир. Хусусан, унинг 21-раҳбарий принципи давлат атроф муҳитга тааллуқли ишлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг замонавий, муносиб ва самарали усулларини, шу жумладан, вақтинчалик ва доимий суд таъқиқларини тақдим этиш учун ҳуқуқий тартибга солиш тизимини белгилаши лозимлигини мустаҳкамлайди. Давлат компенсация ва реституциядан фойдаланиш масалаларини ҳисобга олиш лозим⁹.

Айни дамда экологик ёки ер низолари бўйича судларни ташкил этишда қуйидаги 12 та муҳим масалалар бўйича қарор қабул қилиш лозим бўлади: суд тури; юрисдикцияси, даражаси, ҳудудий фаолияти; иш ҳажми; процессуал ҳуқуқ лаёқати; харажатлар; илмий ва техник экспертизадан фойдаланиш имконияти; низоларни ҳал қилишнинг муқобил йўллари; судьянинг ваколати; ишларни бошқариш; қарорни ижро этиш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш усуллари¹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, ер билан боғлиқ низоларнинг суд тартибида кўриб ҳал қилиниши фуқароларнинг ердан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, бу борадаги қонунчиликнинг такомиллашуви ер низоларини мазмунан кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Гражданское судопроизводство Англии. – М., 2008.; Интернет сайти: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Ассизы>
2. Природа и пределы гражданских свобод в США // Права человека накануне XXI века. – М., 1994. – С. 286.
3. Арбитражный процесс (Под ред. В.В. Яркова). 4-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфотропик Медиа, 2010. – 880 с.
4. Документы истории Великой французской революции. Т.1. Отв.ред. А.В.Адо. – М.: Издательство Московского университета, 1990.
5. “Home”. The Lands Tribunal for Scotland. Retrieved 23 December 2009.
6. “Lands Tribunal Act 1949”. Retrieved 23 December 2009.
7. Шотландия ер трибуналининг расмий веб-сайти // www.lands-tribunal-scotland.org.uk/about.html
8. Дикусар В. Земельные суды - в России? // Российская юстиция. – Москва, 2000. – №11.
9. Конвенциянинг расмий сайти: www.unecce.org/fileadmin/DAM/env/pp/documents/cep43r.pdf
10. Презентация Субрегиональной встречи по вопросам Орхусской Конвенции. – Алматы, Казахстан, 22 мая 2012 // www.unep.org/DELCA/worldcongress



Онгарбай УТЕГЕНОВ,

Давлат божхона қўмитаси Божхона институти доценти, юридик фанлар доктори

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ



Анвар ҚУРБОНОВ,

Давлат божхона қўмитаси Божхона институти магистранти

Ўзбекистон Республикаси Юридик энциклопедиясида берилган таъриф-га кўра “Интеллектуал мулк” (лотинча *intellect* – ақл сўзидан, *intelligence property* – интеллектуал мулк) – инсон ижодий фаолиятининг моддий ёки гоявий кўринишдаги натижалари ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган мулк ҳамда фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида ўзига хос объекти бўлиб ҳисобланади[4]. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1031-моддасида интеллектуал мулк объектлари таснифи келтирилган [1].

Интеллектуал мулк объектларини товар сифатида божхона чегараси орқали олиб ўтиш, мамлакатлар ўртасидаги ташқи иқтисодий фаолият жараёнлари бевосита божхона назорати билан чамбарчас боғлиқдир.

2018 йил 18 октябрдаги “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасига асосан божхона органлари Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг божхона ишига тааллуқли қисмидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди [2].

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 13-моддасига кўра интеллектуал мулк объектлари ҳам товар ҳисобланса, интеллектуал мулк объекти тушунчаси ва турлари Фуқаролик кодекси ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда[3] келтириб ўтилган.

Мамлакатимиз божхона органлари интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш мақсадида интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрини юритади. Ҳуқуқ эгасининг аризасига кўра интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни 10 иш кунигача бўлган муддатга тўхтатиб туришга ваколатли ҳисобланади.

Масалан, Россия Федерациясида Федерал божхона хизмати интеллектуал мулк объектлари божхона реестрини юритиш тартибини ва интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига киритиш учун ариза бериш тартибини белгилувчи норматив ҳужжатларни қабул қилади, ариза билан бирга интеллектуал мулк объектлари турига қараб қўшимча маълумотларни талаб қилиб олади [4].

Интеллектуал мулк объектлари муомаласи бевосита халқаро савдо муносабатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Хусусан, Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) га аъзо бўлиб киришда давлатлар унинг камида 18 та халқаро Битимидаги халқаро мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиши лозим. Бу шартно-

малар орасида муҳим аҳамиятга эга бўлган битим “Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари бўйича келишуви (ТРИПС)”дир. Келишув (ТРИПС) нинг асосий талабидан бири ЖСТ орқали халқаро савдо ва хизмат кўрсатишлар вақтида интеллектуал мулк ҳуқуқи нормаларига риоя этишдир[5].

Х.Исломходжаевнинг таъкидлашича, ушбу битимга кўра, “интеллектуал мулкка эгалик ҳуқуқи суд орқали муҳофазалаш воситалари билан амалга оширилиши ҳамда ушбу Битимга аъзо мамлакатлар интеллектуал мулк ҳуқуқига эга бўлганларга тенг ва адолатли фуқаролик-ҳуқуқий, маъмурий талаблар, шу жумладан чегара чораларига нисбатан алоҳида талаблар ҳамда миллий режим принципига мувофиқ жинойий тартиботлар талабларига кафолат бериши” [6] тўғрисида ўзининг ижобий хулосасини беришга ҳаракат қилган.

Бугунги кунда мамлакатимиз ЖСТга ва унинг Интеллектуал мулк ҳуқуқининг савдо жиҳатлари бўйича келишуви (ТРИПС)га аъзо бўлмасида, аъзо бўлиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари ҳамда Россия Федерацияси аъзо бўлган Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) ҳудудида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш мақсадида интеллектуал мулк объектларининг ягона реестри юритилади. Ягона реестрга киритилган интеллектуал мулк объектлари аъзо давлатлар миллий божхона реестрига киритилган ёки киритилмаганлигидан қатъи назар иттифоқ ҳудудида ҳимоя қилиниши керак [8].

Арманистон Республикасида интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чоралари белгиланмаган, Қирғизистон Республикасида эса бундай турдаги жавобгарлик чораси 2019 йил 1 январдан қўллана бошлаган.

Божхона органларининг муҳим ваколатларидан бири интеллектуал мулк объектлари божхона реестрига киритилмаган, бироқ, контрафакт товарлар аломатига эга товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туришдир (ex-officio). Беларусь Республикаси божхона хизмати ЕОИИдаги шундай ваколатни қўлламайдиган ягона божхона хизмати ҳисобланади[9].

Божхона органлари ҳуқуқ эгаси (унинг манзили ҳақида маълумотларга эга бўлса) нинг аризаси бўлмаса ҳам интеллектуал мулк объектларининг Ягона реестри ва миллий реестрга киритилган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш ҳуқуқи ("ex-officio" (мажбуриятга кўра))га эга. Божхона органлари товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб қўйганда, тўхтатиб туришнинг эртаси кунидан кечиктирмай бу ҳақида ҳуқуқ эгаси ва декларантни хабардор қилади[10].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 январдаги ПҚ-4965-сонли "Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан амалдаги божхона қонунчилигига "ex-officio" талабини киритиш масаласини таҳлилий ўрганиш ҳамда Давлат Божхона қўмитаси (ДБК) ходимларининг бу соҳадаги малакасини оширишни ташкил этиш вазифаси қўйилди [11].

ЕОИИда 2016-2019 йиллар оралиғида интеллектуал мулк соҳасида 42000 дан ортиқ қонунбузарликлар қайд этилган ва 62 миллион бирликдаги контрафакт товарлар олиб қўйилган. Шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг 2019 йил маълумотида кўра, 2013 йилдан 2016 йилга қадар жаҳон миқёсида контрафакт маҳсулотлар айланмаси 8,5 % ўсиб, 500 миллиард долларни ташкил қилган, бу эса дунёдаги импортнинг 3,3 % демакдир [12].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, контрафакт маҳсулотлари ноқонуний айланмасига қарши курашиш чоралари тақомиллаштирилиб боришига қарамасдан, йилдан-йилга бундай қонунбузарликлар жаҳон миқёсида ўсиб бормоқда.

Айнан халқаро савдони тариф ва нотариф усуллар орқали тартибга солишда божхона органларининг роли ниҳоятда муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, юртимизда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишда божхона органларининг ролини тақомиллаштириш бўйича қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, контрафакт (қалбаки) товарлар ёки қароқчилик маҳсулотлари (пиратские) тушунчаларининг аниқ юридик таърифларини амалдаги қонунчиликка киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки бу тушунча оғзаки нутқ, ОАВда ва амалдаги қонун ҳужжатларида ҳам қўлланилсада, бугунги кунда норматив ҳуқуқий ҳужжатларда уларнинг ҳуқуқий асосдаги изоҳи (атама) келтирилмаган.

Европа Иттифоқининг "Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича" 608/2013-сонли Регламентида [13] мазкур тушунчаларга таъриф келтириб ўтилган. Масалан, Россия Федерациясининг Фуқаролик кодексига [14] контрафакт товарлар тушунчасига изоҳ берилган.

Иккинчидан, ҳуқуқ эгасининг аризаси бўлмаса ҳам интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилишда божхона органларининг ташаббусига кўра (ex-officio) интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш ваколатини беришдир. Бунда, агар товарлар интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган бўлса ҳуқуқ эгасини ва декларантни хабардор қилиш ҳамда товарларнинг чиқариб юборилиши билан боғлиқ масалани суднинг чиқарган одил қарорига асосан ҳал қилиш. Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилмаган, лекин интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари аниқ кўриниб турган олиб кирилатган ёки олиб чиқилаётган товарлардан, олиб киришни ёки олиб чиқишни амалга ошираётган шахс (декларант) ноқонуний мақсадларда фойдаланмоқчи эканлиги аён бўлса жиноий ёки маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик асосида ҳужжатларни расмийлаштириш ва тегишли тартибда ваколатли органларга юбориш лозим.

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни олиб кираётган ёки олиб чиқаётган шахс (декларант) товарларда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжудлигини олдиндан билиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда:

- олиб кирилатган товарларни олиб кирувчи шахс (декларант) ҳисобидан Ўзбекистон Республикасидан қайтариб чиқариб юбориш ёки йўқ қилиш божхона режимига расмийлаштириш (Айрим ҳолатларда ТИФ қатнашчиси олиб кирилатган товарларни хорижий мамлакатларда тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчидан эмас балки, дистрибьютор, дилер ёки бозорлардан харид қилган ҳолларда товарлар ҳақида олдиндан тўлиқ маълумотга эга бўлмаслиги мумкин, бундай вазиятда товарлар тўғридан тўғри йўқ қилинса ёки олиб қўйилса ТИФ қатнашчисига катта моддий зарар келтириши мумкин. Шартнома-



ларни тузиш босқичида ташқи савдо шартномаси матнида товарларни божхона назоратидан ўтказиш жараёнида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжудлиги аниқланган тақдирда, экспортёр томонидан етказилган зарарни қоплаш шартини кўрсатиш. Бундан мақсад ҳалол тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдир;

- олиб чиқиладиган товарлар бўйича товарларни олиб чиқувчи шахс (декларант) ва ҳуқуқ эгаси ўртасидаги низони фуқаролик тартибида ҳал қилиш, контрафакт товарларни йўқ қилиш, йўқ қилиш натижасида ҳосил бўлган товар қолдиқларидан фойдаланиш мумкин бўлса, реализация қилиш (контрафакт товарларни ишлаб чиқарувчиларга маъмурий ёки жиноий ҳуқуқий чоралар қўллаш).

Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни божхона органлари ташаббуси билан чиқариб юборишни тўхтатиб туриш амалиёти Европа Иттифоқи, АҚШ, Япония, Хитой, Россия ва Қозғоғистонда кенг қўлланилади.

Бундан ташқари, Европа Иттифоқи мамлакатларида, хусусан, Франция ва Италияда интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишнинг самарали усулларида бири сифатида контрафакт маҳсулотларни харид қилган шахсларга нисбатан ҳам қонуний жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Учинчидан, интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш учун бериладиган аризада интеллектуал мулк объектнинг олти белгидаги ТИФ ТН коди ҳам кўрсатилиши белгиланиши лозим. Товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш жараёнида товарларда интеллектуал мулк объектларини фарқлаш белгилари мавжуд бўлганда, уларни Божхона юк декларацияси (БЮД) 31-графасида ёзиб кўрсатилиши мажбурийлигини белгилаш бўйича қонунчиликка ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш мумкинки, АҚШ Божхона ва чегара муҳофазаси (CBP) - АҚШ Патент ва савдо маркалари идораси (USPTO), АҚШ Муаллифлик ҳуқуқи бўйича идораси (USCOP) ёки Божхона ва чегара муҳофазаси (CBP) да рўйхатдан ўтган савдо маркалари ёки муаллифлик ҳуқуқига эга бўлган товарлар интеллектуал мулк ҳуқуқларини бузган ҳолда Қўшма штатлар ҳудудига олиб кириладиган бўлса уларни тўхтатиш, ушлаб туриш ва кейинчалик мусодара қилиш ҳуқуқига эга. АҚШ божхонасининг Интеллектуал мулк ҳуқуқлари янги электрон тизими (US Customs' new Intellectual Property Rights e-recording (IPRR) system) ушбу тизимга интеллектуал мулк объектларини онлайн тарзда рўйхатга олиш имкониятини беради ва бу тизим орқали ҳимоя ҳуқуқини олган товарларни қидириш мумкин бўлади. АҚШда бу тизим кулранг импорт (товарларни ноқонуний олиб кириш)ни олдини олиш мақсадида қўлланилади [15].

Қозғоғистон Республикаси Божхона кодексининг 461-моддасига биноан, ҳуқуқ эгаси Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш учун аризада товарнинг тўлиқ тавсифини, ТИФ ТН бўйича товарлар кодининг дастлабки 6 та рақамини, интеллектуал мулк объектлари сирасига кирувчи товарга нисбатан ҳуқуқ эгасининг тўлиқ маълумотларини кўрсатиши шартлиги ҳамда ушбу кодекснинг 199-моддасига кўра, божхона органлари интеллектуал мулк объектлари товарлар белгиларини ҳуқуқий ҳимоясини амалга ошириш борасида ўз ваколатларини таъминлаш мақсадида интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида ваколатли давлат органининг товарлар белгиларини рўйхатга олишнинг давлат реестри ва халқаро рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотлар базаларидан фойдаланиши мумкин [16].

Хавфни бошқариш тизимини қўллаш учун асосий манба БЮД ва ундаги маълумотлар ҳисобланади. Шу боисдан, товарларнинг божхона расмийлаштируви вақтида хавфни бошқариш тизими ёрдамида “Электрон божхона расмийлаштируви” ААТ дастурида интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритилган товарлар ва интеллектуал мулк объектлари хусусиятига эга товарлар, хизматлар тақдим этилгани ҳақида божхона ходимларига автоматик огоҳлантириш бериш функциясини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, <https://lex.uz/ru/docs/-180552>;
2. 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ-502-сонли “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги қонун, <https://lex.uz/docs/4000640>;
3. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида қонун, <https://lex.uz/docs/1022944>;
4. Право интеллектуальной собственности. Учебник. Том 1. Л.А.Новоселов. Статут, 2017. – 378 с.;
5. Интеллектуал мулк ҳуқуқи: Ривожлантириш истиқболлари. Конференция материаллари. Т. Адолат. 2012. – 130 с.;
6. Х.Исломходжаев Жаҳон савдо ташкилотининг битимлари. // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. №3. - 73-74 с.;
7. ООИИ Божхона кодекси, http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_215315/;
8. Евроосиё иқтисодий иттифоқида 2019 йилда интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида Ҳисоботи. М. 2020., <http://www.eurasiancommission.org/ru/act/finpol/dobd/intelsobs/Documents/.pdf>;
9. Халипов С.В. Таможенное право. М. Юрайт 2012. – 365 с.;
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2021 йилда №РПҚ-4965-сонли “Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори, <https://lex.uz/docs/5248263>;
11. Евроосиё иқтисодий иттифоқида 2019 йилда интеллектуал мулк объектлари ҳуқуқий ҳимояси соҳасида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳолати тўғрисида Ҳисоботи. М. 2020., <http://www.eurasiancommission.org/ru/act/finpol/dobd/intelsobs/Documents/.pdf>;
12. Европа иттифоқининг “Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича” 608/2013-сонли Регламенти, CELEX_32013R0608_en_TXT.pdf.;
13. Россия Федерациясининг Фуқаролик кодекси, http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34154/;
14. <https://iprr.cbp.gov/>;
15. Қозғоғистон Республикасининг Божхона кодекси, https://online.zakon.kz/document/?doc_id=39082703.

ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШДА ГУМОН ҚИЛИНАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ



**Камолиддин
МАВЛАНОВ,**
тадқиқотчи

Жиноят процессининг вазифаларига фақат жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларни топиш, фош этиш, қонунларни тўғри қўллашни таъминлашгина эмас, балки жиноят содир қилган ҳар бир шахсни адолатли жазолаш ва ҳеч бир айби бўлмаган шахсни жавобгарликка тортмаслик ва асоссиз суд қилмаслик киради. (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 2-моддаси).

Жиноят процессининг бу вазифасидан келиб чиқиб, жиноят процессуал фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири жиноят содир этишда жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Бундан ташқари, жиноят-процессуал қонунчилигимизда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш масаласи алоҳида принцип сифатида ҳам мустақамланган бўлиб, унга кўра ҳимояланиш ҳуқуқи суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд зиммасидаги гумон қилинувчига, айбланувчига ва судланувчига унга берилган ҳуқуқларни тушунтириб бериш ҳамда у ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланади.

Ҳимояланишга бўлган ҳуқуқнинг аҳамияти шу даражада муҳимки, у гумон қилинувчи барча ҳуқуқларининг асоси бўлиб хизмат қилади¹. Бу ҳуқуқ ўз навбатида гумон қилинувчининг икки муҳим ҳуқуқини ўзида акс эттиради: ҳимоячи ёрдамидан фойдаланиш ва кўрсатув, тушунтиришлар бериш. Шунинг учун, нафақат ЖПКнинг 51-моддасида назарда тутилган ҳимоячи иштирок этиши шарт бўлган тўққизта ҳолатда, балки жиноят ишларини юритишда айрим тергов ҳаракатларини ҳимоячининг иштирокисиз ўтказишни чекловчи нормалар билан тўлдиришни таклиф қилувчи олим²лар ҳам мавжуд. Сабаби сўроқ қилиш тергов ҳаракати натижаси жуда муҳим бўлиб, унда тергов учун кўрсатувлар олиниши барчага маълум. Яна бир олим фикрига кўра, шахс ушланганда биринчи сўроққа қадар адвокат билан маслаҳатлашиши зарур³. Ҳимоячи билан маслаҳатлашмаслик ёки унинг иштирокисиз сўроқ қилиш тергов ҳаракатида иштирок этиш гумон қилинувчининг ўзига қарши кўрсатув беришига олиб келиши мумкин. Бир қатор хорижий мамлакатларда, жумладан Украина жиноят-процессуал қонунчилигида гумон қи-

линувчининг биринчи сўроқ ўтказилгунга қадар ҳимоячи билан ёлғиз учрашиш ҳуқуқи кафолатланган⁴. Шулардан келиб чиқиб, гумон қилинувчи биринчи марта сўроқ қилинишидан олдин ҳимоячи билан улар ўртасида ўзаро суҳбат бўлиб ўтишини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Ишда ҳимоячилар сифатида адвокатлар иштирок этадилар. Ҳимояга бўлган ҳуқуқни таъминлашнинг яна бир жиҳати шундан иборатки, ҳимоя остидаги шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини фаол ҳимоя қилиш учун ҳимоячи ҳам бир қатор муҳим ҳуқуқлар билан таъминланади⁵. Амалдаги қонунчилигимиз гумон қилинувчининг у ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайтдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш ҳуқуқини кафолатлайди. Ҳимоячи гумон қилинувчиларнинг, айбланувчиларнинг, судланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳамда уларга зарур юридик ёрдам кўрсатиш ваколатига эга бўлган шахсдир. Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади. Хаттоки гумон қилинувчининг яқин қариндошлари адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримига биноян йўл қўйилиши мумкин.

Ҳимоячи гумон қилинувчи, шунингдек гумон қилинувчининг илтимоси ёки розилиги билан бошқа шахслар томонидан таклиф этилади. Гумон қилинувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди. Танланган ҳимоячининг йигирма тўрт соат ичида ишда

иштирок этишга киришишга имконияти бўлмаган ҳолларда, суриштирувчи, терговчи ёки прокурор гумон қилинувчига ёхуд уларнинг қариндошларига бошқа ҳимоячини таклиф этишни ёки ҳимоячи тайинлашни сўраб Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси томонидан белгиланадиган адвокатлик тузилмаларига мурожаат қилишни тавсия этади. Гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи танлаган ҳимоячи исталган вақтда ишда иштирок этишга киришишга ҳақлидир. Бу нормалар мазмунидан келиб чиқадики, агар гумон қилинувчи ўзи ёки бошқа яқинлари, қариндошлари орқали ҳимоячининг иштирокини таъминлай олмаса, унинг илтимосига кўра тергов органлари томонидан ишда ҳимоячининг иштирок этиши таъминланади. Суриштирувчи ёки терговчи гумон қилинувчининг адвокатни танлаш жараёнига аралашмаслиги керак. Уларнинг вазифаси шахснинг ҳақиқатда ҳимояланиши учун шароит яратиб бериш ҳисобланади. Бироқ, давлат томонидан тақдим этилган адвокатларни танлашнинг очиқ-ошкора тартиби йўқлиги боис айрим терговчилар ёки суриштирувчилар ўзларига таниш адвокатларни чақириб, гумон қилинувчи ёки айбланувчиларга таъсир ўтказиш ҳоллари учраб туради. Тергов органларига ҳудудлар кесимида навбатчи адвокатлар рўйхати тақдим этилган бўлиб, айнан рўйхатдаги навбатчи адвокатлар билан боғланиш чоралари кўрилиши керак. Афсуски, мазкур рўйхатда кўрсатилган адвокатларнинг барчаси ҳам ҳимояланиши керак бўлган гумон қилинувчи манфаати учун ишлашга шошилавермайди. Бунга эса кўпинча давлат томонидан ажратиладиган маблағнинг етарли эмаслиги ёки адвокатнинг иши кўплиги сабаб қилиб кўрсатилади. Натижада иложсиз қолган гумон қилинувчига ҳимоячи терговчи томонидан таъминлаб берилади. Бу эса “чўнтак” адвокатларининг жиноят ишига кириб келишига сабаб бўлади⁶. Улар одатда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Бу эса гумон қилинувчининг ҳимояга бўлган ҳуқуқининг жиддий бузилиши ҳисобла-

нади⁷. Мазкур тоифадаги адвокатларнинг асл мақсади ҳимояси остидаги шахс манфаатларини ҳимоя қилиш эмас, балки суриштирувчи, терговчи, прокурор билан яқин алоқани ўрнатиб, моддий манфаатдор бўлишдир. Шунинг учун тергов жараёнида бундай адвокатлар иштирокида ўтказилган тергов ҳаракатлари натижаларини номақбул деб топиш зарур ва бу ҳолат ЖПКнинг 95¹-моддаси 1-қисми 3-банди билан асосланиши керак. Сабаби фактик маълумотлар жиноят процесси иштирокчисининг қонун билан кафолатланган ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки бу ҳуқуқларни чеклаш йўли билан ёхуд ушбу Кодекс талаблари бузилган ҳолда олинмоқда. Терговчи, суриштирувчи ёки прокурор адвокатни тавсия этиши керак эмас. Афсуски, ҳозирги кундаги амалиёт суистеъмолликларга йўл очиб бермоқда.

Амалдаги қонунчилигимизга кўра, ҳимоячи томонидан берилган маълумотларни ишга кўшиш тўғрисидаги илтимосномаларни қаноатлантириш ва далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш ваколатлари фақат суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига юклатилган бўлиб, ҳимоячи ҳалигача далилларни мустақил тўплаш ҳуқуқига эга эмас. Ҳуқуқшунос олимимиз таъкидлаганидек, гумон қилинувчининг ҳимоячига эга бўлиш ҳуқуқини тўла, ҳолисона амалга оширишнинг энг самарали усулларидан бири – қонунчиликда ҳимоячига янги ваколатлар берилишидир. К.Ишниязов фикрига кўра⁸, суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида “адвокатлик тергови”ни қонунчиликка киритиш лозим ва адвокатга гувоҳларни сўроқ қилиш каби кўшимча ваколатлар берилиши керак ҳамда у ишга терговга қадар текширув вақтидан, жиноят ҳақида ариза ва хабарлар келиб тушган вақтдан бошлаб иштирок этиши лозим. Ишни юритаётган суриштирувчи, терговчи, прокурор гумон қилинувчини юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Жиноят ишини юритишнинг барча босқичларида гумон қилинувчи ҳуқуқларини кафолатлаш учун процесснинг дастлабки босқичлариданоқ, агар унинг ҳаракатланиш эркинлиги чекланган тақдирда ушланган вақтдан бошлаб ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши лозим. Бу ҳуқуқнинг мавжудлиги гумон қилинувчининг ўзига нисбатан жиноий таъқибдан қонунда назарда тутилган барча воситалардан фойдаланган ҳолда ҳимояланиш имконини беради⁹. ЖПКнинг 87-моддаси 2-қисмига кўра ҳимоячи далилларни тўплашга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши ва ишни юритишга масъул шахслар томонидан мажбурий баҳолаши лозим. Аммо ЖПКнинг бирор нормасида тергов ва суд ҳаракатларини юритиш ёки тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда адвокатларга ваколат



берилмаган. Адвокат томонидан тақдим этилган маълумот, ҳужжат ёки нарса-буюмлар суриштирувчи, терговчи томонидан иш материалларига қўшиб қўйилгандан кейингина далилий аҳамиятга эга бўлади. Д.М.Ямбаевага кўра сўров, маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш, шунингдек ҳимоячи томонидан предметлар, ҳужжатлар ва бошқа маълумотларнинг қўлга киритилиши фақатгина ҳимоячининг маълумотларни қўлга киритиш усули ҳисобланади. Ваҳоланки, улар исбот қилиш субъекти томонидан процессуал соҳага киритилганидан кейингина далил бўлиб қолишлари мумкин¹⁰. Худди шунга ўхшаш фикрни Э.Норбўтаев ҳам билдириб ўтган: далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш суриштирувчи, терговчи ва суднинг бевосита ваколат доирасини ташкил қилса, эндиликда далилларни тўплаш имконидан ҳимоячи фойдаланиши мумкинлигини, аммо мазмун ва шакл жиҳатидан ҳимоячи амалга оширадиган ҳаракатлар далилларни тўплашга доир талабга жавоб бермайди¹¹. Бу жиҳатдан қонунчилигимизни англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи мамлакатлар қонунчилиги билан солиштириб бўлмайди. Масалан, АҚШда ҳимоячининг қуйидаги ҳуқуқлари мавжуд: шахс ушланган вақтдан бошлаб ишда қатнашиш; сўроқ ўтказилгунга қадар ва тергов давомида ҳимояси остидаги шахс билан маслаҳатлашиш; жиноят иши материаллари билан танишиш; далилларни тақдим этиш билан боғлиқ илтимосномалар қилиш¹². Юқоридаги фикрлардан хулоса қилиш мумкинки, исбот қилиш мажбурияти юклатилган субъектлар учун далиллар тўплашда етарлича ваколат берилган бўлиб, уларни ҳимоячининг ваколатлари билан солиштириб бўлмайди. Бу эса тергов органларининг жиноятларни тергов қилиш жараёнида ҳимоячига нисбатан яққол устунликка эгалигидан далолат беради. Шунинг учун гумон қилинувчи ва айбланувчиларга ҳақиқатда ишончли ҳимояни кафолатлаш учун ҳимоячининг ваколатларини кенгайтириш, унга ҳам далилларни тўплашда тергов органлари билан тенг имкониятларни тақдим этиш зарур. Бу борада Эстониядан намуна олиш мумкин. Мазкур давлат қонунчилигига кўра адвокат тергов якунида прокурорнинг айблов ҳужжатидан нусха олгандан бошлаб уч кун ичида судга ҳимоя ҳужжати, прокуратурага эса унинг нусхасини юбориш ваколатига эга.

Ҳимояланиш гумон қилинувчининг шахсан ўзи томонидан ёки унинг ҳимоячиси томонидан олиб борилиши мумкин. Бунда ҳимояни гумон қилинувчининг шахсан ўзи амалга оширишини самарали деб бўлмайди. Бу борада бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ўзларининг муносабатини билдириб ўтган. Жумладан, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимояни шахсан ўзлари амалга ошириши унинг сифатига салбий таъсир кўрса-

тади¹³. Жиноят-процессуал қонунчилигимизда терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан яқин қариндошлар, қонуний вакиллар ва бошқа шахсларнинг суриштирув ва дастлабки тергов вақтида ҳам иштирок этишлари белгиланган. Бунда ҳимоя функцияси учун ахлоқий ва маънавий жавобгарликка эга бўлмаган шахсларнинг иштироки гумон қилинувчи қонуний манфаатларини етарлича кафолатлашга тўсқинлик қилиши мумкинлиги айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан танқид қилинган¹⁴. Чунки, давлат айбловини профессионал ҳуқуқшунос прокурор амалга ошираётган пайтда зарур билим ва муайян касбий тажрибага эга бўлмаган шахс томонидан ҳимоя қилиниши ҳимоя билан айблов ўртасидаги тортишувчанлик принципини тўлақонли амалга оширишга хизмат қилмайди. Бизнингча ҳам ишда юридик ёрдам кўрсатиш фақат малакали адвокатлар томонидан олиб борилиши билангина гумон қилинувчининг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Паршин В.Н., Борзунова Н.Ю. Обеспечение права подозреваемого на защиту. Право. Безопасность. Чрезвычайные ситуации. 2015. № 1 (26). С. 57.
2. Djuraev, I. (2017) "Improvement of the rights and activities of the defender in criminal proceedings: an important direction of the reform on the basis of the Strategy of Action," Review of law sciences: Vol. 1 : Iss. 2, Article 22. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol1/iss2/22
3. Саломов Б. Ўзбекистон Республикасида пдвокатлик фаолияти, унинг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси (тажриба ва муаммолар). Юрид..фан..док..дисс.-Т.:2004.-Б.317.
4. <http://continent-online.com/>
5. Ветрилла Е.В. О дополнительных гарантиях обеспечения права на защиту в уголовном процессе России. Законность и правопорядок в современном обществе. 2016. № 32. С. 122.
6. <http://advokatnews.uz/xabar/1490.html>
7. Lobanova Lyubov Valentinovna, Viskov Nikolay Viktorovich. Concerning injurious-to-public violations of the defence right of a suspect (an accused). P.2. <https://cyberleninka.ru/article/n/onekotoryh-obschestvenno-opasnyh-proyavleniyah-narusheniya-prava-podozrevaemogo-obvinyаемого-na-zaschitu>
8. Ишнйазов К. Организационно-правовые основы участия защитника в стадии дознания и предварительного следствия. Дисс.. кандн..юрид.. наук. Т.:2006. Б.155.
9. Jaan Ginter, Anneli Soo. The Right of the Suspect to Counsel in Pre-trial Criminal Proceedings, Its Content, and the Extent of Application. https://www.researchgate.net/publication/243972960_The_Right_of_the_Suspect_to_Counsel_in_Pre-trial_Criminal_Proceedings_Its_Content_and_the_Extent_of_Application
10. Ямбаева Д.М. Участие защитника в собирании доказательств на стадии предварительного расследования: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. –Владимир, 2008. –8
11. Жиноят процесси (Умумий қисм): Маърузалар курси/ Э.Х.Норбўтаев. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. –Б.48.
12. Базарова Дилдора Бахадировна. Право на защиту как процессуальная гарантия в уголовном процессе США. <https://tadqiqot.uz/wp-content/uploads/2017/07/3-2017-2-1.pdf>
13. Зимарин А.Ю. О необходимости права на защиту на стадии предварительного расследования// Актуальные проблемы гуманитарных естественных наук. -2011. -№3.С 255.
14. Абдусаломов Ф.М. Жиноят процессида шахсий манфаатга эга бўлган иштирокчилар ҳуқуқларининг кафолатлари. Юрид..фан... ном....дисс.Т.: 2008.-Б.54.



Лазиза РАСУЛОВА,
жиноят ишлари
бўйича Шаҳрисабз
шаҳар суди раиси

СУДГА ҲУРМАТСИЗЛИК ҚИЛГАН ШАХСЛАР ҚАНДАЙ ЖАЗОЛАНИШАДИ?

Яқинда телевидениеда бир ҳинд фильмини намойиш қилишди. Ўша фильмдаги суд жараёни диққатимни тортди. Суд мажлисида судья “Бугун судда адолат қарор топадими?” деган сарлавҳа остида мақола чоп этган газета мухбирининг ушбу мақоласи суднинг адолатига соя солиши мумкинлиги ҳақида тушунтириб, судга ҳурматсизлик сифатида баҳолаб, уни суд мажлиси тугагунга қадар қамоққа олади. Ҳар сафар, судья, ўша муҳаррир газетасида суд мажлиси ҳақида ёритган мақоласи учун “судга ҳурматсизлик” қилганликда “қамоқ” жазоси тайинлайди. Бу суд жараёнига бадиий тус берилган фильм ҳам бўлиши мумкин. Ушбу фильм сабаб судга ҳурматсизлик нима? Унинг қандай кўринишлари бор? Ёки судга ҳурматсизлик қилган шахсларга нисбатан қандай чоралар кўрилади? – деган саволлар ҳақида ўйлаб қолдим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 180-моддасида судга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлашида ёки мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслигида ёхуд суд мажлиси пайтида тартибни бузишда ўз ифодасини топган судга ҳурматсизлик базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида “суд мажлисида тартибни бузганлик учун жавобгарлик” суд мажлисида тартибни бузган, раислик қилувчининг фармойишларига бўйсунмаган ёки судни беҳурмат қилган тақдирда тартиббузар бундай ҳаракатларнинг такрорланиши уни суд мажлиси залидан чиқариб юборишга сабаб бўлиши ҳақида, ушбу модданинг тўртинчи қисмида назарда тутилган тартиббузар эса, бундан ташқари, маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳам мумкинлиги ҳусусида огоҳлантирилиши, бу огоҳлантириш таъсир қилмаса, процесс иштирокчиси суднинг ажримига, бошқа шахслар эса, раислик қилувчининг фармойишига мувофиқ суд мажлиси залидан чиқариб юборилиши, ишни кўриш чиқариб юборилган шахсларсиз давом эттирилиши;

суднинг ажрими айбловчи ёки ҳимоячига тааллуқли бўлса, ишни эшитиш кейинга қолдирилиши лозимлиги, бир шахсни бир неча айбловчи айблаётган ёки бир неча ҳимоячи ҳимоя қилаётган ҳоллар бундан мустаснолиги, залдан чиқариб юборилган айбловчи ёки ҳимоячининг номуносиб хулқ-атвори

тўғрисида суд хусусий ажрим чиқариб, уни тегишлилигига қараб, юқори турувчи прокуратура ёки Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармаси ҳузуридаги малака комиссиясига юбориши;

суд залидан судланувчи чиқариб юборилган бўлса, ҳукм унинг иштирокида эълон қилиниши ёки эълон қилинганидан кейин унга дарҳол маълум қилиниб, тилхат олиниши лозимлиги;

суд мажлиси залидан чиқариб юборилган шахс (судланувчи, айбловчи ва ҳимоячи бундан мустасно) раислик қилувчи томонидан унинг жойининг ўзида чиқарган ажримига асосан маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги, ажрим суд мажлисининг баённомасида қайд этилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси “Судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик” деб номланган бўлиб, унга кўра, давлат органлари ва бошқа органлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролар судьяларни ҳурмат қилиши ва уларнинг мустақиллигига риоя этиши шартлиги; судьяга нисбатан ҳурматсизлик қилиш, шунингдек уни очикдан-очик менсимасликдан далолат берувчи ҳатти-ҳаракатлар қилиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган.

Бундан кўриниб турибдики, бизнинг қонунчилигимизда судга ҳурматсизликнинг фақат суд мажлиси билан боғлиқ ҳолатлари мавжуд. Яъни, гувоҳ, жабрланувчи, даъвогар, жавобгар, ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг судга келишдан қасддан бўйин товлаши, мазкур шахсларнинг ва бошқа фуқароларнинг раислик қилувчи фармойишига бўйсунмаслиги ёки суд мажлиси пайтида

тартибни бузишлари судга нисбатан ҳурматсизлик сифатида баҳоланади. Суд мажлисидан ташқаридаги ҳолатлар, масалан, судда кўрилатган иш бўйича оммавий ахборот воситаларида суд мажлиси жараёни ҳақидаги суд процесси иштирокчиларининг ҳатти-ҳаракатларини муҳокама қилишса ёки суд муҳокамалари ҳақида олдиндан ўзича ҳал қилиб қўйишса ёхуд судга бошқача тарзда таъсир этишга уринишса, суд процесси иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизлик қилишдек кўринса-да, бундай баҳоланмайди.

Кўпгина чет эл мамлакатларида, “жанжалли одил судлов” (“скандализация правосудия”)га жавобгарлик масаласи киритилган. “Жанжалли одил судлов”га процесс иштирокчиларининг жамоатчилик фикрини манипуляция қилиш орқали судга босим ўтказиш” деб тушунтириш берилган. Англо-саксон ҳуқуқий тизимида, “жанжал” остида суднинг чиқарадиган қарорига таъсир қиладиган, жамоатчилик ишончини йўқотадиган, тартибсиз ва асоссиз танқид ҳамда ҳар қандай ҳаракат ва эълон қилинган ахборот тушунилиши” ҳақида изоҳ берилган. Францияда бундай ҳаракатлар учун жарима ва 6 ойгача қамоқ жазоси, Англияда ҳам жарима ва 1 ойгача қамоқ жазоси белгиланган. Жавобгарликка тортиш ишни кўраётган суднинг қарорига асосан соддалаштирилган тартибда амалга оширилади.

Россия қонунчилигида суд иштирокчилари томонидан судга нисбатан ҳурматсизлик қилинганда, судлар жарима жазоси тайинлаши, суд залидан чиқариб юбориши ва жиноий жавобгарликка тортишлари мумкин. Оммавий ахборот воситалари томонидан суд муҳокамалари ҳақида нотўғри ва судга нисбатан ишончсизлик туғдирадиган маълумотларни тарқатганликлари учун жавобгарлик ва жавобгарликка тортишнинг механизми белгиланмаган.

Қозоғистон Республикаси қонунчилигида суд мажлиси жараёнида ва суд мажлиси жараёнидан ташқарида қилинган судга ҳурматсизлик учун маъмурий жавобгарлик, жиноят аломатлари аниқланса, жиноий жавобгарлик белгиланган. Судга ҳурматсизлик қилишда ифодаланган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун жарима жазоси ёки 5 суткагача қамоқ жазоси тайинланиши мумкин. Агар шахс жавобгарликка тортилгандан сўнг, такроран судга ҳурматсизлик қилса, жарима ёки 10 суткагача қамоқ жазоси тайинланиши мумкин. Суд процесси иштирокчилари, судья ва маслаҳатчиларни ҳақорат қилган шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бир қатор бошқа мамлакатлар Жиноят кодексларига “судга ҳурматсизлик қилиш” алоҳида модда сифатида киритилган.

Судга ҳурматсизлик суд ва судьянинг нуфузини пасайтиришга, унга нисбатан ишончсизлик уйғотишга, судьянинг чиқараётган қарорига таъсир кўрсатишга олиб келади. Суд ҳокимиятини, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларидан фарқли

равишда, танқид қилиш мумкин эмас. Агар “танқид қилиш” деб айтиш мумкин бўлса, танқид қилишнинг фақатгина бир кўриниши бор, бу ҳам бўлса суд қарорлари устидан шикоят бериш.

Судни ҳурмат қилиш, бир вақтнинг ўзида судьяга ҳам тегишли ҳисобланади. Ишни кўраётган судья ва халқ маслаҳатчилари процесс иштирокчиларини ҳурмат қилишлари, тарафларнинг ҳеч бирини камситмасдан, адолатли муносабатда бўлишлари лозим.

Очиқ суд мажлисига келган ҳар бир шахс, хоҳ у иштирокчи ёки оддий фуқаро ёхуд ОАВ вакили бўлсин, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилишга мажбурлиги, агар ҳурмат қилмаса, бу судга нисбатан ҳурматсизлик сифатида баҳоланиб, маъмурий жавобгарликка тортилишларини, шунингдек, судга ҳурматсизлик қилиш - бу бутун суд ҳокимиятига нисбатан ҳурматсизлик қилишга тенглаштирилишини билишлари лозим.

